

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИИЁТ-ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

5440500 – “География” таълим йўналиши

08.431 – гуруҳ битирувчиси

Турсунова Одинахон Рустамжон қизининг

**“Фарғона водийсидаги этносларнинг табиатдан
фойдаланиш маданиятини шаклланишида географик
омилларнинг роли” мавзуидаги**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: география

кафедраси ўқитувчиси Ҳ. Джўрабоева

Фарғона - 2012

Битирув-малакавий иш кафедранинг 2012 йил майдаги 9-А сонли
йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Ҳимояга тавсия этилди _____ О.Абдуғаниев , кафедра мудири,
География фанлари номзоди.

Такризчилар _____ А.Салмонов, тарих фанлари номзоди.
Ю.Аҳмадалиев, КМО ва ҚТ факультети
декани, география фанлари доктори

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.	4
I-БОБ.	I-БОБ. ЭТНОСЛАР ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.	9
1.1	Этнос ва субэтнос ҳақида тушунча.	9
1.2	Этнология ва география фанларининг ўзаро алоқалари, янги илмий йўналишлар.	22
II-БОБ.	АҲОЛИНИНГ ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.	28
2.1	Ердан фойдаланишдаги анъанавий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳудудий жиҳатлари.	28
2.2	Сувдан фойдаланиш маданиятининг гидроэкологик асослари.	33
III-БОБ.	ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҲУДУДИДА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ.	43
3.1.	Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни шаклланишида геоморфологик омилларнинг таъсири.	43
3.2.	Фарғона водийсининг микроиклим зоналари ва уларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятига таъсири.	57
3.3.	Табиатни муҳофаза қилишда муқаддас зиёратгоҳларни танлаш ва жойлаштиришнинг этнологик асослари.	62
	ХУЛОСА.	72
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	74

КИРИШ.

Мавзунинг долзарблиги. Кишилиқ жамияти ривожининг ҳозирги босқичида ижтимоий-экологик муаммоларнинг кескинлашуви кузатилмоқда. Фан ва техниканинг кучига ортиқча ишониш, уни барча муаммоларни ҳал қилишга қодир деб ўйлаш, хато эканлиги кўплаб олимлар томонидан эътироф этилмоқда

Фандаги бу илмий қарашларнинг натижаси сифатида халқаро анжуманларда (Рио-де-Жанейро, 1992, Йоханнесбург, 2002) ривожланишнинг барқарор йўлига ўтиш ҳақида кўплаб таклифлар айтилмоқда.

Мазкур муаммоларнинг ечими ҳақида Рио конференциясининг асосий ҳужжати бўлган «XXI аср кун тартиби» да қуйидаги тавсия ва мезонлар берилган:

- иқтисодиётнинг ўсиши Ер сайёрасининг экологик имкониятлари чегараларига мос тушиши керак;
- иқтисодий ривожланиш атроф-муҳит учун хавфсиз бўлиши керак;
- ривожланишни барқарор қилиш–ҳозирги авлод эҳтиёжларини келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини таъминлаш қобилиятларини хавф-хатарга қўймай таъминлаш;
- ер ва табиий ресурсларни ялпи миллий бойлик сифатида кўриш;
- одамларнинг фаоллигини уларга ерга эгалик қилиш ва ресурслар, молиявий таъминлаш ва уларнинг маҳсулотларининг адолатли баҳоларда бозорга чиқариш воситаларида таъминлаш ҳуқуқини бериш йўли билан рағбатлантириш;
- кимёвий моддаларнинг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳит учун хавфлилигини аниқлаш; шундай маълумотлар кўпчилик моддалар учун мавжуд эмас;
- пестицидларни ўсимликларнинг биологик ҳимоя қилиш воситалар билан алмаштириш;

– туб жой аҳолиси фойдаланадиган анъанавий билимлар ва кадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усуллари эътироф этиш;

Ер шаригадаги этнослар ўзлари яшайдиган табиий географик ўлкалар хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш усуллари яратганлар, натижада улар табиат компонентларидан энг қулай услубларни қўллаб, хўжалик фаолияти юритишда фойдаланганлар.

Ўлкамизда хўжаликни ҳудудий ташкил этишда мавжуд табиий шароит билан ҳисоблашмаслик, табиатдан фойдаланиш маданиятидан четга чиқиш хунук салбий оқибатларга олиб келганлигини Орол денгизи муаммоси, қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигининг пасайиши, мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, шўрланган майдонларнинг кенгайиб бориши каби муаммолар мисолида кўриш мумкин.

Яқин ўтмишда ҳукмрон бўлган хом ашё етиштиришга йўналтирилган аграр сиёсат, маҳаллий халқнинг асрлар синовига дош берган табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий тажриба, кўникма ва малакаларининг унутилиши натижасида юз берган ва Орол муаммоси ҳанузгача ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келаётир. Шунингдек, асосан пахта етиштиришга мослаштирилган ердан фойдаланиш тизими қишлоқ жойларда аҳолининг катта қисмини паст малакали меҳнат ресурслари сифатида тўпланишига, зарур озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтиришга ва халқимизнинг асрлар мобайнида шуғулланиб келган, ерларнинг табиий имкониятларидан фойдаланишга асосланган қишлоқ хўжалигининг кўплаб соҳалари йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши туфайли халқимизни табиатдан фойдаланиш борасида тўплаган билим, кўникма ва малакаларини илмий асосда ўрганиш имконияти яратилди. Бу соҳадаги асрлар давомида тўпланган билим, кўникма ва малакалар халқимиз маданиятини, ўтмишини таркибий қисмидир. Кўп янглишишлар, хатолар эвазига аجدодларимиз томонидан тўпланган билимларни ўрганиш бугунги кунимизнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Дастлабки табиат билан жамият ўртаидаги алоқадорлик, унда моддий ва маънавий маданиятнинг тутган ўрнини аниқловчи билимлар Ф.Ратцелнинг “Антропогеография”, Ф.Боаснинг “Поссибилизм” концепцияси, Дж.Стюарнинг “Маданий экология” илмий йўналиши доирасида бериб борилган. Рус олимларидан Н.И.Вавилов, Л.С.Берг, А.А.Григорьев, Н.Баранский ва бошқа олимлар инсонни, унинг табиат билан алоқасини, яшаш шароити ва турмуш тарзини, миллий-маданий кадриятларини ўрганиш, география фани учун жуда зарурлигини таъкидлаганлар. Бироқ, тоталитар тузум даврида табиат ва жамият қонуниятларини биргаликда ўрганишга йўл қўйилмаган.

Фанга биринчи марта этноэкология атамаси америкалик этнограф Г.Конклин (1954) томонидан киритилган.

Халқларнинг ердан фойдаланиш маданиятини ўрганиш ва бу маданиятни ижтимоий тараққиётни инкор этмаган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш ҳақидаги фикрлар ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб кўпроқ айтила бошланди. Чунончи, Т.Н.Кузнецов экологик ва регионал муаммоларни ҳал қилишда анъанавий табиатдан фойдаланиш ўрнини ёритиб, барқарор ривожланишни таъминлашнинг тўғри йўлларида бири сифатида табиатга, она ерга шарқона муносабатда бўлиш лозимлигини қайд қилади. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш бўйича халқимизда тўпланган тажриба, кўникма ва малакаларин ҳаётга татбиқ этишни биологиядаги турларнинг яшовчанлигини, умуман мавжуд бўлишини асосий шартларидан бири бўлган «ирсият- ўзгарувчанлик-табiiй танланиш» шаклида амалга ошириш мумкин. “Она ёки боқувчи» ландшафтдан фойдаланувчи халқлар томонидан тўпланган тажриба, кўникма ва малакаларни асраш, авлоддан авлодга бериш шу халқнинг мавжуд бўлишининг асосий шarti эканлиги Гумилев (1990; 1992), Мазуров (2003) каби олимлар томонидан ҳам эътироф этилган. Шунингдек, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти, анъанавий днҳқончилик ва сув хўжалиги кабилар этнографлар томонидан етрали даражада ўрганилган. Бу борадаги маълумотларни И.Жабборов, У.Қорабоев,

К.Шониёзов, Б.Аҳмедов каби олимларнинг асарларида ёритилган. Лекин халқимизнинг ердан, сувдан ва табиатнинг бошқа унсурларидан фойдаланиш маданияти етарли даражада ўрганилмаган.

Шунинг учун ушбу мавзуда ўзбек халқининг минг йиллар давомида шаклланган табиатдан фойдаланиш маданияти борасида тўпланган билим, кўникма ва малакалар, ҳамда уларнинг географик жиҳатлари Фарғона водийси (Ўзбекистон қисми) мисолида ўрганишга ҳаракат қилинди.

БМИнинг тадқиқот объекти ва предмети. Мазкур ишнинг тадқиқот объекти сифатида Фарғона водийси (Ўзбекистон қисми) даги этносларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятини шаклланиши олинди.

Ишнинг предмети эса мазкур маданиятни илмий ўрганиш асосида ҳаётга тадбиқ этиш йўллари кўрсатиб беришдир.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ушбу битирув малакавий ишнинг мақсади, Фарғона водийсидаги этносларни табиатдан фойдаланиш маданиятининг шаклланишида географик омилларнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш ва бу бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Этнос ва субэтнос ҳақида тушунча бериш;
- Ердан ва сувдан фойдаланишдаги анъанавий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳудудий жиҳатларини тушунтириш;
- Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни шаклланишида геоморфологик омилларнинг таъсирини ўрганиш;
- Табиатни муҳофаза қилишда муқаддас зиёратгоҳларни танлаш ва жойлаштиришнинг этнологик асосларини ўрганиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

БМИнинг таркибий тузилиши. Мазкур битирув – малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Ишнинг кириш қисмида БМИ мавзусининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, амалий аҳамияти ёритилган.

БМИнинг матн қисми 75 бетдан иборат бўлиб, мавзуга оид жадвал, схема ва расмлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида 28 та манба мавжуд.

I-БОБ. ЭТНОСЛАР ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.

1.1 Этнос ва субэтнос ҳақида тушунча.

Жаҳонда жуда кўп катта-кичик, турли-туман халқ ва элатлар яшайди. Инсоният этник жиҳатдан шунча бой ва хилма-хилдирки, ҳозиргача Ер қуррасида қанча халқ ва элатлар яшаётганлиги фанда аниқ эмас. Шундай бўлсада, олимларнинг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда, жаҳонда икки мингдан ортиқ элатлар мавжуд бўлиб, улар бир неча мингдан то миллиардгача етадиган миллий бирликлардан иборат. Улар қанча ва қандай ижтимоий даражада бўлмасин, ўз тараққиётида умумий қонуният ва қадриятлар асосида ривожланадилар. Одатда, бундай омиллар дейилганда фанда умумий тил ва **ҳудуд**, ягона ҳўжалик ҳаёти, маиший турмуши ва маданият, миллий ҳис-туйғулар ва характер кабилар кўрсатилади. Айрим кишилар ҳатто диний эътиқоди асосида халқ ва элатларни ажратадилар.

Маълумки, “**халқ**” тушунчаси ўзбек тилида ҳам, бошқа кўплаб тилларда ҳам бир неча маънога эга. Баъзан, оддий тилда бир тўп кишиларни ёки авомни халқ дейилса, баъзан бир неча элат ва миллатлардан ташкил топган давлат ёки мамлакат аҳолисини ҳам халқ деб аталади. Ўзбек классик адабиётида “**халқ**” сўзи икки маънода: **яратиш, борлиқ** ёки **одамлар** деб таърифланади. Шунинг учун кейинги йилларда этнологияда муайян тарихий бирликни англатадиган халқ маъносида “**этнос**” атамаси ишлатилмоқда. Этнослар муайян тарихий даврнинг маҳсулоти сифатида айрим шахс ёки кишиларнинг истаги билан эмас, балки объектив тарихий зарурият натижасида намоён бўлади ва ривожланади. **Этнос**-барча жамоларни билдирадиган умумий атама бўлиб, тил, маданият ва тарихий анъаналарни сақлаш ҳамда ривожлантириш функциясини бажаради. Жамоалар умумийлиги мезони ягона тил, маданият ва этнонимдир, яъни мазкур жамоа аъзолари томонидан тан олинадиган, умумий тилда гаплашадиган ва ягона

ном билан аталадиган жамоадир. қабила, элат, этник гуруҳ, миллат ана шундай жамоалар жумласига киради.

Ҳар бир халқ ёки **этнос** ўз навбатида айрим қабила ва уруғлар, қавм-қариндош ва жамоа, ижтимоий гуруҳлар ва табақалардан ташкил топган. Олимлар мазкур тарихий бирликларни яратишда ва уларни ўзаро қўшиб, жипслаштиришда асосий омиллардан энг муҳими миллий тил деб ҳисоблайдилар. Чунки муайян этник бирликларнинг бир-бири билан эркин муносабатда бўлиши, бир-бирини тушуниши, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатишида тил бош омил ҳисобланади. Тил туфайли нафақат тарихий бирлик, балки умумий ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий бирлик ўрнатилади. Кўпчилик халқ ва элатларнинг номи ҳам уларнинг тилига қараб берилган.

Маълумки, **халқлар** муайян **ҳудудда** шаклланади ва ривожланади. Улар бир ҳудуддан иккинчисига кўчиши, уларнинг жойлашган ери кенгайиши ёки камайиши мумкин. Аммо умумий тарихий бирликка ва тилга эга бўлган элатлар доимо ўзаро **яқин ҳудудда** жойлашиб яшаганлар.

Жаҳонда ҳеч бир миллий бирлик ёки этник жараён соф бир хилда намоён бўлмайди, чунки ҳозиргача битта ҳам аралашмаган соф миллат ёки халқ йўқ ва бўлмаган. Баъзи миллий ва этник бирликлар диний ва ирқий тусда ҳам намоён бўлади.

Халқ ва элатлар **этнология** фанининг ўрганиш объектидир. Ҳар бир этнос айрим шахслар (ёш-қари, эркак-аёл)дан ташкил топади. Ҳеч бир инсон бир-бирига табиати ва характери, хулқ – атори ва ҳис-туйғулари билан тўлиқ ўхшашликка эга бўлмаганидек, этнослар ҳам бир-бирига тўла ўхшамайди. Аммо **табиий географик муҳит** ва ижтимоий-иқтисодий шароит таъсирида тарихий умумийликка эга бўлган **хўжалик-маданий** ва **тарихий-этнографик** типлари юзага келган. Айрим олимлар, хусусан, **Л.Н.Гумилевнинг** табиий географик шароит билан боғлиқ экологик назарияни илгари сурганлиги ижобий ҳолатдир. Оқибатда табиий шароитга мослашган ҳолда **анъанавий табиий имкониятлардан оқилона**

фойдаланиш янги бир соҳа – **этноэкология** илмий йўналишининг пайдо бўлишига олиб келди. Биз ушбу йўналиш хусусида қуйи бобларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ўрта Осиё минтақаси халқлари узоқ ва мураккаб тарихий жараённинг маҳсули бўлибгина қолмай, улар моддий ва маънавий маданият ва ҳис-туйғулари билан ҳам бир-бири билан уйғунлашиб кетган ўзига хос этносларнинг ватанидир. **Президентимиз таъкидлаганларидек**, “Қадимдан Туркистонда қабила ва халқлар аралаш жойлашган бўлиб, бунга муштарак маданиятлари ва тиллари туфайли чамбарчас боғлиқ бўлган одамларнинг воҳаларда яшаганликлари ва кўчманчи ҳаёт кечирганликлари сабаб бўлган”.

Демак, бутун Ўрта Осиё муайян тарихий этнографик минтақани ташкил қилади. Уларнинг қадимий аجدодлари бир, этник замини умумий. Бунинг асосини **умумий табиий географик шароит** билан бирга, **анъанавий хўжалик – маданий типлари**, моддий ва маънавий **маданияти**, динларининг бирлиги каби жуда кўп умумий унсурлар ташкил этади.

XIX аср ўрталаригача мазкур минтақада Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари ҳукмронлик қилиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин ўлкада Трукистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Асли “умуминсоний” қадриятлар байроғи остида мазкур ҳолатдан “Октябрь инқилоби” туфайли озод бўлган ўзбеклар узоқ вақт ўтмай совет мустамлакачилик сиёсати гирдобига тортилди. Яхлит Туркистон ва унда яшовчи миллат ва элатлар сунъий равишда қайтадан бўлиниб, совет республикалари ташкил қилинди.

XX асрнинг 30-йилларида амалга оширила бошлаган совет янги мустамлакачилик сиёсати маҳаллий миллатларнинг равнақига катта путур етказди. Умуминсоний қадриятлар шиори остида бошланган мазкур мустамлакачилик сиёсати узоқ ўтмишда юксак маданият яратган халқимизнинг буюк истеъдоди ва куч-ғайратини ҳар томонлама намоён этишга йўл қўймади. Аксинча, унинг асрлар давомида шаклланиб келаётган

миллий анъана ва урф-одатларини “интернационализм” назарияси асосида емира бошлади.

Ўзбек халқининг этник қиёфаси, хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи хусусиятлари даставвал маҳаллий табиий географик шароитга боғлиқ бўлиб келган. Бутун Ўрта Осиё, юқорида қайд қилинганидек, ўзига хос тарихий-этнографик ва хўжалик-маданий типлар яратган минтақадир. Унда яшовчи халқларнинг келиб чиқиши ва тарихий тақдири ҳам умумий характерга эга. Тарихда умумий этник илдизга эга бўлган, муайян ҳудудда жойлашган, аммо турли тил ва маданий-хўжалик типдаги ҳар хил элатлар домо ўзаро яқин муносабатларда бўлиб, аралашиб келган ва узоқ, мураккаб тарихий жараёни бошдан кечирган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг миллий тузилишини асосан ўзбеклар ташкил этади. Шунингдек, мамлакатимизда бошқа, асосан маҳаллий ўрта осийлик элатлар, руслар, украинлар, татарлар, корейслар, умуман юздан ортиқ миллат ва элатлар яшайди.

“Чор Россияси, сўнгра эса Совет давлатининг аниқ мақсадга қаратилган миграция сиёсати Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг полиэтник таркиби янада хилма – хил бўлишига олиб келди. Қарийб йигирма миллат вакиллари минтақага Сталин қатағонлари натижасида сургун қилиб кўчирилганлар сифатида келиб қолганлар” (И.Каримов, 1997).

Минтақанинг табиий географик шароити уларнинг нафақат хўжалик фаолиятини, балки миллий хусусиятларини ҳам қисман белгилаб берган.

Ўзбекистоннинг **табиий географик шароити ва иқлим шароити** аҳолининг нафақат хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи, балки кўп қиррали маданияти ва миллий руҳияти хусусиятларининг шаклланишида ҳам муҳим омил бўлиб келган. Асримиз бошларида ўзбек диёрида анъанавий мазкур шароитга мослашган **уч хил хўжалик-маданий типлари** маълум бўлган.

- Воҳаларда яшовчи аҳолининг ўтроқ деҳқон хўжалиги;
- Дашт ва ярим даштларда қисман кўчманчи аҳолининг чорва хўжалиги;

- Воҳаларга яқин ва дарё қуйи оқимида жойлашган аҳолининг чорва-деҳқончилик хўжалиги.

Хўжалик-маданий типларнинг чегараси этник ҳудудга тўғри келмайди. Аммо тарихий жиҳатдан этник маданий бирлик узоқ давр ичида хўжаликка мос равишда шаклланиб келган.

Халқимиз келажаги ва унинг тараққиёт йўли ўтмиш билан узвий боғлиқдир. Зеро, президентимиз таъбири билан айтганда, **“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”**.

1-схема. Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган хўжалик-маданий типлари таснифи.



Мамлакатимиз истиқлолга эришган ҳозирги даврда инсон ҳуқуқлари, миллий ғурур ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг ва турмуш тарзининг тарихий тажрибасига таяниш, демократик қонунийликни ҳурматлаш асосий вазифа қилиб қўйилмоқда. Шунинг учун ўзбек халқининг ўтмиши ва тарихий тажрибаси, унинг этник қиёфаси, хўжалик-маданий хусусиятлари, моддий ва маънавий маданияти, ижтимоий ҳаётини илмий жиҳатдан аниқ билмагунча, ҳозирги тараққиёт йўли, кейинги йўналишини белгилаб бериш мумкин эмас.

Ўзбекларнинг энг қадимий аجدодлари тўғрисида маълумотлар жуда кам. Шарқ мустабидлари, айниқса, қадимги Эрон, Бобил, Оссурия ҳукмдорлари ўзларини улуғлаш мақсадида тошга биттирган зафарномаларида босиб олинган ва бўйсундирилган элат ва халқларни тилга олганлар. Шулар ичда ўрта осиеликларнинг қадимий аجدодлари тўғрисида ҳам айрим маълумотларни учратиш мумкин.

Илк ёзма манбалардан қадимги Юнонистон ва Рим муаллифларининг асарларида Орол бўйи, Окс (Амударё) ҳамда Яксарт (Сирдарё), Мовароуннаҳр ва Бактрияда яшаган қабилалар ва элатлар тилга олинади. Масалан, антик давр муаллифларидан Гекатей, Страбон, Геродот, Арриан, Птоломей, Помпей кабилар ўз асарларида хоразмликлар, бактрияликлар, парфияликлар ва сўғдийлар тўғрисида айрим маълумотларни келтирганлар.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимий аجدодлари ва уларнинг турар жойлари, урф-одат ва анъаналари, маросимлари тўғрисидаги маълумотларни зардўштийларнинг муқаддас китоби **“Авесто”**дан ҳам олиш мумкин. Эрамиздан аввалги II-I асрлардан бошлаб араб истилосига, Ўрта Осиё халқларига тегишли айрим маълумотларни Эрон мустабидлари солномаларида, Хитой сайёҳларининг ёзувларида учратиш мумкин.

Ўзбек халқининг келиб чиқиши ниҳоятда мураккаб ва узоқ тарихга эга. Бу жараён энг қадимий ва илк ўрта аср даврида турли элат ва халқларнинг бутун Ўрта Осиё кенг ҳудудларида қўчиши натижасида муайян давлат

бирикмалари доирасида рўй берган. Минтақада бир неча минг йиллар давомида чегаралари ўзгариб турган **тарихий-маданий бирикмалар** юзага келга. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, бу бирикмалар қуйидагилардан иборат:

- Ярим ўтроқ овчи-балиқчи элатлар;
- Дарё қуйи оқимида ва водийларда ярим ўтроқ чорва-деҳқончилик билан шуғулланувчи элатлар;
- Суғорма ва баҳори ерларда омов деҳқончилиги ва чорвачилик билан шуғулланувчи элатлар;
- Қуруқ иқлимли дашт ва ярим даштларда қисман деҳқончилик билан шуғулланувчи кўчманчи ва ярим кўчманчи элатлар.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ўтроқ аҳолиси **шимоли-шарқий** томонда **Тяньшань** ва **Олой қабилаларининг**, **шарқда сак-сармат кўчма гуруҳларининг**, **жанубда** деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган **этник гуруҳларнинг** аралашмасидан ўзига хос **этномаданият** бирикмалари юзага келади.


Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзбек, туркман, тожик, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз халқларининг келиб чиқиши ва этник тарихига минтақадаги қадимий, мураккаб этник жараёни аниқ тасаввур қилмагунча объектив баҳо бериб бўлмайди. Бизнинг турли ирқ ва диндаги ҳар хил элатларнинг қурамасидан ташкил топган аجدодларимиз энг қадимий даврлардан ёзувли юксак маданият яратганлар. Улар минг йиллар давомида ўзаро яқин иқтисодий, маданий ва маиший алоқада бўлиб, асосан, аҳил яшаб келганлар. Президентимизнинг **“Юксак маънавият-енгилмас куч”** асарида қайд этилганидек, “Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати, иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшабини тақозо этиб келади”.

Ўзбек элатининг шаклланиши эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб, бутун антик давр давомида этник илдири, хўжалик-маданий ва турмуш тарзи бир заминдаги ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган маҳаллий **европеоид** аҳоли билан шарқдан **монголоид** ирқий элементларининг кириб келиши натижасида юзага келган этник жараён билан бевосита боғлиқ. Бу ҳудуд эрамизнинг V асридан бошлаб **хуннлар** билан **сак-массагетлар** аралашмасидан ташкил топган Эфталитлар давлатига кирган. Кейинги асрда Ғарбий турк хоқонлиги ҳукмронлиги Амударё соҳилларигача етиб, Мовароуннаҳр ва Фарғона водийсига шимоли-шарқдан турк қабилалари янги оқимининг кўчиб келишига сабаб бўлган. X-XI асрларда туркий тиллар Фарғона ва Чоқ вилоятларида, Зарафшон ва Қашқадарё водийларида маҳаллий тилларни сиқиб чиқарган ва ҳукмрон тилга айланган. Ўша даврда умумий тил ва шевадарда гапирадиган барча элатлар ва қабилалар бирикиб, ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё туркий халқлари этногенезига пойдевор қўя бошлаган.

XV аср охири XVI аср бошларида темурийлар ҳокимияти Дашти Қипчоқдан келган **Шайбонийхон** томонидан босиб олинди. Ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё водийларида, Хоразм воҳаси ва бошқа ҳудудларда Шайбонийхон билан келган **“ўзбек”** номли туркий тилдаги қабилалар ҳам ўрнаша бошлайди ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетади.

“Ўзбек” атамаси илмий жиҳатдан ҳали тўлиқ аниқланмаган. Дастлаб бу сўзни араб муаллифи Усам ибн Мунқиз (XII аср охири) асарларида учратилади. Рашидиддин солномаларида Жалолиддиннинг ҳарбий навкарларидан бири ҳам **“Ўзбек”** исми билан тилга олинади. Атоқли тарихчи Ҳ.Қазвиний (XV аср) Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг лашкарларини **“ўзбеклар”** деб номлайди, тегишли ўлкани эса **“Мамлакати ўзбек”** деб атади.

2 -схема. Ўрта Осиё ҳудудидаги тарихий маданий бирикмалар.



Тарихчилар Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздий ўзбекларни Олтин Ўрда номи билан боғлиқ деган фикрни илгари сурадилар. Бошқа манбаларга қараганда, XV аср охири XVI аср бошларида Абулхайрхон ва унинг набираси Шайбонийхон қарамоғидаги барча **қабила** ва **элатлар бирикмасига** умуман “**ўзбеклар**” деб ном берилган.

Кўпгина манба ва ривоятларда ўзбекларнинг **шажараси** (генеалогияси) ҳақида гапирилиб, ўзбек халқи 92 уруғ (қабила)дан ташкил топган дейилади. Асли бу рақам ҳақиқатга тўғри келмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўзбекларнинг келиб чиқиши каби уларнинг этник тузилиши ҳам мураккаб ва кўп асрлик тарихий тараққиёт натижасида бир неча марта ўзгарган.

Манғит ва қозоқ қабилавий бирикмалари ва Шайбонийлар давлатининг инқирозидан кейинги турк-мўғул қабилалари таркибида бир номдаги турли қабилалар: **қипчоқлар, манғитлар, қанғлилар, қўнғиротлар, найманлар** каби йирик элатларнинг умумий номи **“ўзбеклар”** деб юритилган. Бу тўғрисида Рўзбехон Исфаҳоний “Меҳмонномаи Бухоро”да ёзиб, барча шайбонийлар ва ҳатто қозоқ ва манғитларни умумий ном билан **“ўзбек халқи”** деб атайдди.

Демак, турли хилдаги уруғ-қабилавий туркумлардан ташкил топган этник гуруҳлардан манғит, қўнғирот, қиёт, қипчоқ, хитой, қанғли, дўрмон, кенагас, сарой, минг, қирқ, юз, лоқай, қўшчи, найман, чимбой, шунқарли, қовчин, чиройли, ийжон, салур, байри, арғин, буркут, барлос, жалоир, қарлуқ, нукус, уйшин, ўтарчи, катағон, кулан, арлат, кушоёқли, буйрук каби этнонимлар ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё туркий элатларининг халқ сифатида шаклланишида муҳим компонент ҳисобланади.

Ўзбек уруғ-қабилаларининг номлари айниқса, этнотопонимларда, яъни қишлоқ ва маҳаллалар ҳамда географик номларда ёрқин ифодасини топган.

XIV-XIX асрлар давомида ўзбекларнинг этник шаклланиши давом қилиб, ўзларининг уруғ-қабилавий номларини то XX аср бошларигача қисман сақлаб келганлар. Улар нафақат этник жиҳатдан, балки турмуш тарзи ва ижтимоий тузуми билан ҳам ўзаро биров фарқ қилганлар. Айрим ўзбек уруғлари ўтроқ деҳқончиликка тўла ўтмаган кўчманчилик ҳўжалиги ва турмуш анъаналарини сақлаб, ярим ўтроқ ҳолатда яшаганлар. Улар шевасидаги фарқ жиҳатдан анча ажралиб турганлар.

XX аср бошларига келиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида **2,8 млн.га яқин** ўзбеклар яшаган. Улардан тахминан 82%и қишлоқларда, 18%и шаҳарларда жойлашган. Ўзбекларнинг анча қисми қўшни мамлакатларда яшаб ўз этник хусусиятларини сақлаб қолганлар. Аммо ўша даврда ҳали ҳамма ўзбек элатлари бир меъёردа ривожланмасдан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жойлашган муҳитига қараб ўзаро фарқланган.

Тадқиқотчилар XX аср арафасида ўзбек халқи таркибида **учта** йирик этник гуруҳ, яъни **субэтнос** мавжуд бўлганлигини қайд этадилар. Улардан **биринчиси** энг қадимий даврлардан ўтроқ ҳолатда шаҳар ва қишлоқларда яшаб, Ўрта Осиёга эрамининг I минг йиллигидан бошлаб узоқ тарихий давр давомида кўчиб келиб ўтроқлашган, туркий элатлар билан аралашиб кетган аҳолидир. Уларга ўша даврда **“сартлар”** деб ном берилган. Сартлар асосан Фарғона, Тошкент, Хоразм, қисман Зарафшон воҳаларида, умуман озми-еўми ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳамма ерида жойлашган. Аммо уларнинг катта қисми Фарғона водийсида яшаган бўлиб, асримиз бошларида водий аҳолисининг 52,7 фоизини ташкил қилган.

Иккинчи субэтнос шайбонийлар келишидан олдин қадимий туркий элатлар билан турк-мўғул қабиаларининг аралашмасидан келиб чиққан. Улар XX аср бошларигача уруғ-қабилавий анъаналарини сақлаб, сартларга кўшилмай ярим ўтроқ ҳолда яшаб келганлар ва этнография адабиётларида **“турклар”** деб номланади. Туб аҳоли ҳисобланган бу турклар асосан Фарғона водийсида, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида, кўпроқ Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашганлар.


Ўзбекларнинг **учинчи йирик этник гуруҳи** XV-XVI асрларда Мовароуннаҳрга кўчиб келган **Дашти Қипчоқ ўзбекларининг авлодларидир**. Улар ярим кўчманчилик турмуш анъаналарини сақлаб, чорвачилик ҳамда деҳқончилик ҳўжалигини бирга олиб борган субэтносдан иборат. Мазкур субэтноснинг ўзига хослиги ирқий тузилишида монголоид белгиларининг анча сезиларли эканлиги, тилида **“жўкчилар”** шеваси кучли ва ўз номини **“ўзбек”** деб номлашидир. Бу гуруҳ турли қабиалардан иборат: манғит, қўнғирот, қипчоқ, хитой, кенагас, сарой, минг, қирқ, юз, найман, катағон, қабила. Мазкур қабила ва элатлар Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Шерободдарё, Бойсун дарёлари ҳавзасида, Нурота ва Қурама тоғ этакларида Фарғона водийсида жойлашган. Бу элатларнинг энг кўп сонли қисми 20-йилларда Бухоро амирлигида (130 мингдан ортиқ манғитлар, 35 мингдан ортиқ кенагаслар, 86 мингга яқин қўнғиротлар), Трукистон

ўлкасининг Самарқанд ўлкасида (52 минг қипчоқлар), Фарғона водийсида (42,5 мингга яқин қипчоқлар), Тошкент ва Сирдарё вилоятларида (50 мингга яқин қурама) яшаган.


Мазкур субэтностлар XIX аср охири XX аср бошларида ўзига хос маиший турмуш, урф-одат ва шевалари билан ўзаро фарқ қилсада, ягона ўзбек элати эканлигини исботловчи белгиларни сақлаб, ўзларини “ўзбек” деб номлаганлар. Узоқ давр давомида сарт, турк ва Дашти Қипчоқ ўзбек авлодларидан иборат субэтностлар ярим кўчманчи чорва хўжаликлари, ўтроқ сартлар билан яқинлашиб, қўшилиб кетиш жараёни орқали намоён бўлган.

Этнографик ва статистик маълумотларга қараганда, XX асрнинг 20-йилларигача Ўзбекистондаги Дашти қипчоқ ўзбеклари авлодининг таркибида анча кўп уруғ-қабилаларнинг номлари сақланиб келган. Масалан, ўша даврда Бухорода **40 дан ортиқ ўзбек қабилаларининг** номлари, Хоразмда **20 га яқин** қabila номлари сақланган.

3-схема. XX аср бошларида ўзбек халқи таркибидаги субэтностлар.



3-схема. Ўзбек уруғ-қабилавий туркумлари.



1.2 **Этнология ва география фанларининг ўзаро алоқалари, янги илмий йўналишлар.**

Этнослар қатор фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. “**Этнология**” сўзи юнонча сўз бўлиб, “**этнос**”-халқ, “**логос**”-таълимот деган маъноларни англатади. Баъзи бир мамлакатларда этнология атамаси билан бир қаторда “**маданий антропология**” ва “**халқшунослик**” (Германия) номлари ҳам учрайди. Кейирги йилларда жаҳон фанида салмоқли ўрин эгаллаган рус этнографияси ҳам этнология номи билан алмаштирилди. Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам тарих фанлари тармоғига этнология ихтисослиги киритилди.

Қадимдан бир негизда ривожланиб келган география ва этнология фанлари оралиғида бир қанча илмий йўналишлар шаклланди. бу йўналишларнинг ўрганиш объекти, предмети ва тадқиқот усуллари кўп жиҳатдан этнос мавзусидаги берилиши лозим бўлган билимлар таркибини белгилайди.

Этногеография – этнография ва география фанлари оралиғида шаклланган илмий йўналиш бўлиб, унга XX асрнинг 20-йилларида В.Г.Богараз-Тан томонидан асос солинган. Бироқ, собиқ иттифоқ даврида жамиятда ижтимоий ва табиий қонуниятларни аралаштириш, биргаликда ўрганиш қаттиқ қораланарди. Бундай шароитда этносларнинг тарқалиши ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мумкин бўлмаган. шу ва шунга ўхшаш бир қатор сабалар туфайли этногеография йўналиши 60-йилларга келиб тўлиқ шаклланди.

Ҳозирда этногеография халқлар ва ирқларнинг географик тарқалиши, уларнинг сони, табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида бошқа халқлар билан алоқасини ўрганади. Ушбу йўналишда асосий эътибор аҳолининг яшаш характери (ўтроқ ёки кўчманчи) ва шакли, аҳоли кўрғонлари, ҳудуднинг ўзгартирилиш даражаси, аҳоли зичлиги ва бошқаларга қаратилади. этногеография йўналиши этник картография ва

этниқ демография каби бўлимлардан ташкил топган бўлиб, ўз тадқиқотларида антропология, лингвистика каби фанлар билан узвий алоқада ривожланади.

Энг қадим замонлардан бошлаб халқлар ва улар яшайдиган муҳит ҳақидаги билимлар биргаликда ўрганилган. халқлар ҳаётини тасвирлашда улар яшайдиган табиий-иқлим шароити ҳақида маълумот бериш зарурий шарт деб ҳисобланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дастлабки хариталар ҳам этногеографик характерда бўлган. XVIII аср ўрталарида халқларнинг ижтимоий-иқтисодий ва тарихий ривожланишида табиий омилнинг роли орттириб кўрсатилган. Халқларнинг моддий ва маънавий маданиятидаги, турмуш тарзидаги, ижтимоий тузум ва ҳатто психологиясидаги ўзига хосликларнинг биринчи сабаби деб табиий шароит кўрсатилган. Бундай дунёқараш француз олими Ш.Монтескье асарларида ўз аксини топган ва географик детерменизм номини олган. Бугунги кунда нафақат географлар, балки ижтимоий фанлар вакиллари ҳам буни тан олмакдалар. Ҳуқуқшуносликда қонунларнинг ижобий самара беришига таъсир этувчи омил сифатида мамлакатнинг жойлашган ўрни, иқлими, тупроғининг сифати, табиий бойликлари, аҳолининг ҳаёт тарзи, феъл-атвори, одатлари айтилиб, бу фикрлар Ш.Монтескьега тегишли эканлиги тан олинмокда.

Этниқ демография – этнология ва демография фанлари оралиғида шаклланаётган илмий йўналиш бўлиб, ўрганиш объекти этнослардир.

Этносларнинг кўпайишига таъсир этувчи омиллардан анъанавий турмуш қуриш ёши, оила шакли, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, кўп ёки оз бола кўриш анъаналари, халқнинг давомийлиги кабиларни алоҳида ўрганилади. Бу соҳада олиб бориладиган тадқиқотлар кўпроқ ахлоқ рўйхатлари ва этниқ статистикага асосланади. Шунингдек, ушбу йўналишда бошқа фанлардан география, тарих, экология, медицина географияси каби фанлардан олиб борилган тадқиқот натижаларидан кенг қўламда

фойдаланилади. Бугунги кунда геодемографик жараёнларни бошқариш, аҳолининг иш билан бандлиги, қишлоқ аҳоли пунктларидаги бир қатор муаммоларни ҳал этишда бу соҳанинг имкониятлари катта. Бу йўналишнинг асосий тамойиллари В.И.Козлов (1977)томонидан ишлаб чиқилган. Республикамизда бу соҳанинг ривожланишида О. Ата Мирзаев, А.Солиев каби олимларнинг хизматлари катта.

Аграр этнология – ушбу йўналиш этнология, қишлоқ хўжалиги ва аҳоли географияси фанлари орадиғида шаклланаётган соҳалардан бири бўлиб, асосий эътибор **халқларнинг** қишлоқ хўжалиги соҳасидаги **тажриба ва малакаларини** ўрганишга қаратилади. Шунингдек, халқларнинг моддий маданиятидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган томонларини: қишлоқ хўжалиги қурулларни яшаш, ер ва сувдан фойдаланиш, қишлоқ қурилишидаги регионал фарқлар, уларнинг табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий асослари ўрганилади.

Географлар учун тарих синовларига бардош бериб, авлоддан – авлодга ўтиб келаётган **деҳқончилик маданиятини** ўрганиш муҳимдир. Чунки бундай маданиятнинг шаклланиши кўпроқ жойнинг табиий географик шароити билан боғлиқдир. Ерларнинг табиий имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга асосланиб қишлоқ хўжалик тармоқлари учун тақсимлаш, агроиқлим шароитларидан келиб чиқиб экин турларини танлаш каби соҳалар кам ўрганилган. Айниқса, кўп минг йиллик деҳқончилик ва ирригация тарихига эга бўлган бизнинг минтақамиз учун хўжалик-маданий типлари ва тарихий-географик вилоятлар ҳақидаги таълимотга асосланиш тўғри илмий, яқуний ҳулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Анъанавий қишлоқ хўжалиги маданиятини шаклланишида табиий омиллардан ташқари ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам таъсири катта. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишда маҳаллий аҳолининг озиқ-овқат рациона таркиби (нималарни севиб истеъмол қилиши), кийиниши, уй-жой қуриш учун материалларни танлаши, транспорт воситаси сифатида нималардан фойдаланиш усулларини карталаштириш ва

кадимда ердан фойдаланиш усуллари катталаштириб, бугунги кунга таққослаш ҳам қизиқарли маълумотлар беради.

Этнотопонимика – топонимика, тилшунослик ва этнология фанлари оралиғида шаклланиб бораётган бу илмий йўналишда асосан **икки** йирик мавзу бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилади.

Биринчидан, географик номлар орасида миллат, элат, уруғ, қабила номлари билан боғлиқ номлар, уларнинг келиб чиқиши, тарихи ва географик тарқалиши ўрганилади. Кишиларнинг номлари, лақаблари, тахаллуслари қабиладан ясалган номлар антротопонимлар ва этнос вакиллари келиб чиқишини (хўжа, бек ва б.) англатувчи номлар **генотопонимлар** ҳам этнотопонимиканинг ўрганиш объектидир.

Иккинчидан, жой номларининг қўйилишидаги маҳаллий миллат тили билан боғлиқ атамалар ҳам ўрганилади. масалан, гора, куҳ, жабал, шанъ, парбат, маунт, берг, сьерра сўзлари ўзбек тилидаги **тоғ** маъносини билдирса, река, об, наҳр, ганга, ҳе каби сўзлар эса **дарё** маъносини англатади.

Этнонимлар (уруғ, қабила, элат номлари)ни ҳам ўрганишда юқоридаги қоидага асосан уларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи гуруҳга эндоэтнонимлар киритилади. Бунда этносга ном шу халқнинг ўз тилида қўйилади. Масалан, биз немислар деб атайдиган миллатнинг эндоэтноними “дойч” немец (русча), “шваб” (сербча), “алеман” (французча), “джемен” (инглизча), “тедеско” (итальянча) каби атамалар шу миллатнинг экзоэтнонимидир.

Этнопонимикада этнонимлардан ташқари ўрганилаётган ҳудуднинг тарихий-табiiй шароити, хўжалиги ҳақида қизиқарли маълумотлар берувчи жой номлари ва географик атамалар ҳам ўрганилади. Бунда география, тилшунослик, тарих фанларида тўпланган бой материалларни ҳар томонлама анализ қилиш орқали юқорида санаб ўтилган илмий муаммоли йўналишлар учун ҳам жамловчи билимларни олиш мумкин.

Этнометеорология – ушбу йўналиш бўйича бажарилган ишлар “”анъанавий халқ билимларни ўрганиш” мавзуси остида амалга

оширилаётган бўлсада, айрим олимлар бу соҳани алоҳида ўрганилиши лозимлигини таъкидламоқдалар. Бу соҳа халқларнинг маънавий маданияти сифатида баҳоланиб, кўпроқ этнографлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Бироқ, бу соҳадаги билимларнинг тўпланиб, авлоддан-авлодга бериб келиниши географиядаги ритмийлик ва даврийлик қонуниятлари билан боғлиқ. Бундан ташқари метеорология ва иқлимшунослик фанлари қонуниятлари билан яхши таниш географлар этнометеорологияда берилаётган тавсияларнинг моҳиятини очиб беришлари мумкин.


Этнометеорологияда об-ҳавони, экиннинг ҳосилдорлигини, дарё сувининг миқдорини, тупроқнинг етилиш вақтини аниқлашда жойнинг регионал хусусиятлари ва жонли табиатнинг фенологик ўзгаришлари ҳисобга олинади. Бугунги кунда этнометеорология халқ медицинаси, этнозоология, этноботаника, палеоэтнология каби йўналишлар билан уйғунликда ривожланмоқда.

Этноэкология – этнография ва ижтимоий экология оралиғида шаклланган илмий йўналиш бўлиб, этногеография, этник демография, этник антропология каби фанлар билан узвий боғлиқ равишда ривожланиб келмоқда. Ушбу йўналишнинг асосчиларидан бири **В.И.Козлов** таъкидлашича, асосий эътибор инсоннинг ижтимоий-биологик мавжудот сифатида **атроф-муҳит билан бўладиган алоқасини** ўрганишга қаратилади. Маданиятдаги ўзига хослик кишиларнинг яшаш муҳитига мослашиши, жамиятнинг ҳаётий тизимини таъминлаш учун хўжалик фаолияти юритишда алоҳида аҳамиятга эга.

Дастлабки табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорликни, унда моддий ва маънавий маданиятнинг тутган ўрнини аниқловчи билимлар Ф.Ратцелнинг “Антропогеография”, Ф.Боаснинг “Поссибилизм” концепцияси, Дж.Стюарнинг “Маданий экология” илмий йўналиши доирасида бериб борилган. Фанга биринчи марта этноэкология атамасини америкалик этнограф Г.Конклин (1954) томонидан киритилган. Бироқ, унинг тушунтиришича, этноэкологиянинг вазифаси табиат ҳақидаги халқ

билимларини жамлаш ва уларни атроф-муҳит билан бўладиган алоқада қўллаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Россияда этноэкология соҳасидаги дастлабки фикрлар маданий-хўжалик типлари ва тарихий географик вилоятлар концепциясида ўз аксини топди. Кейинчалик тизимли ёндашувнинг кенг тарқалиши экосистема ва геосистема концепцияларининг яратилиши билан этноэкологияда Алексеев томонидан “Антропогеоценоз” концепцияси яратилди.

5-схема. География ва этнология фанлари оралиғида шаклланган илмий йўналишлар



II-бoб. АҲОЛИНИНГ ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.

2.1. Ердан фойдаланишдаги анъанавий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳудудий жиҳатлари.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётнинг барқарор ҳолатини таъминлаш натижалари кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бу соҳадаги ютуқлар замирида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ётади. Шу боис, республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда ер муносабатларини такомиллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Яқин ўтмишда ҳуқмрон бўлган хом ашё етиштиришга йўналтирилган аграр сиёсат, ерга ўзганинг мулки сифатида қараб, хўжасизларча муносабатда бўлиш ва маҳаллий халқнинг асрлар синовига дош берган ердан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий тажриба, кўникма ва малакаларининг унутилиши натижасида юз берган қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигининг пасайиши, мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, шўрланган майдонларнинг кенгайиб бориши оқибатлари ҳанузгача ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, асосан пахта етиштиришга мослаштирилган ердан фойдаланиш тизими қишлоқ жойларда аҳолининг катта қисмини паст малакали меҳнат ресурслари сифатида тўпланишига, зарур озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтиришга ва халқимизнинг асрлар

мобайнида шуғулланиб келган, ерларнинг табиий имкониятларидан фойдаланишга асосланган қишлоқ хўжалигининг кўплаб соҳалари йўқолиб кетишига сабаб бўлди.

Барқарор ривожланиш тамойиллари ҳақида Рио конференциясининг асосий ҳужжати бўлган «XXI аср кун тартиби» да берилган тавсияларда маҳаллий туб жой аҳоли фойдаланадиган аънанавий билимлар ва қадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усулларини ўрганиш лозимлиги таъкидланади. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этиш бўйича халқимизда тўпланган тажриба, кўникма ва малакаларни ҳаётга татбиқ этишни биологиядаги турларнинг яшовчанлигини, умуман мавжуд бўлишни асосий шартларидан бири бўлган «ирсият- ўзгарувчанлик-табиий танланиш» шаклида амалга ошириш мумкин. Бундай ёндашувда “она” ёки “боқувчи” ландшафтдан фойдаланувчи халқлар томонидан тўпланган тажриба, кўникма ва малакаларни асраш, авлоддан-авлодга бериш шу халқни мавжуд бўлишининг асосий шarti эканлиги назарда тутилади.

Замонавий илмий ва махсус адабиётларда «тупроқ», «ер», «ер ресурслари» «ер фонди» ва “ҳудуд” тушунчалари кенг қўлланилади. Гарчи, бу тушунчалар бир-бирига яқин бўлса-да, уларнинг мазмуни ва қўлланиши мумкин бўлган ўринлари турличадир.

Тупроққа В.В.Докучаев томонидан берилган қуйидаги таъриф ҳозиргача энг мақбул ҳисобланади. Унга кўра «тупроқ-иқлим, организмлар, грунт, маҳаллий рельеф ва ўлканинг ёши каби омилларнинг биргаликдаги фаолияти таъсирида пайдо бўладиган табиий-тарихий ҳосиладир» (Докучаев, 1951). Ер эса, куруқлик-нинг фаол, генетик мустақил устки қатлами бўлиб, у ўзига хос иқлим, тупроқ қатлами, алоҳида майдонлар рельефи ва шакллари, уларни ҳосил қилувчи омилларнинг барчасини ўзида мужассамлаштиради. Бундай ёндашувда ер тушунчаси тупроқдан анча кенг эканлиги намоён бўлади.

Ер ресурсларига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Ер ресурси бу - ер фондининг таркибий қисми бўлиб, у ўзига хос тупроқ сифати, иқлим, рельеф,

гидрогеологик хусусиятлари билан тавсифланади, жамиятнинг муайян ривожланиш босқичида ундан асосан зарур маҳсулотлар етиштиришда ва бошқа мақсадларда фойдаланилади. Кишилиқ жамиятининг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган ҳудуд ва ўзининг ноқулай сифат кўрсаткичлари, иқтисодий унумдорлигининг пастлиги сабабли ишлатилмайдиган ерлар, имкониятдаги ер ресурслари қаторига киритилади. Ер фонди эса мамлакат чегаралари доирасидаги (қисман қўшни давлатлардаги) корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларнинг фойдаланиш мақсадига қараб тоифаларга бўлинган майдондир. Ер фондининг асосий қисмини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ташкил қилади. Республикамизда мазкур тоифадаги ерлар майдони 2006 йил 1 январ ҳолатида кўра 22371,3 минг гектарни, ёки республика ер фондининг 50,4 фоизини ташкил қилади. («Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида» Миллий ҳисобот, 2006).

Ер ресурслари, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, ерсиз бу тармоқларнинг бўлиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида инсон ўз фаолиятини ерга қаратади, унга ишлов беради, экин экиб парвариш қилади, натижада ер меҳнат предмети сифатида намоён бўлади. Маданий экинлар етиштириш жараёнида кишилар тупроқнинг механик, кимёвий, биологик хусусиятларидан фойдаланиб, уни меҳнат куролига ҳам айлантиради.

Ҳудуд юқоридаги тушунчаларга нисбатан кенгроқ маънода ишлатилади. Араб тилидан олинган бу сўз ҳад, ҳадди, сарҳад сўзлари билан ўзакдош бўлиб чегара, кимгадир қарашли ер деган маънони англатади. Ҳудуд деганда - ўзида табиий ва инсон томонидан яратилган барча ресурсларни жамлаган, саноатда, транспорт, қурилиш ва аҳоли манзилгоҳларини ташкил этишда муҳим омил вазифасини ўтайдиган, ўзига хос географик ўринга, маълум табиий ландшафт ва хўжалиқ хусусиятларига эга бўлган майдон тушунилади.

Ўзбек халқининг сунъий суғоришга асосланган кўп қиррали қишлоқ хўжалиги асрлар оша тўпланган **анъанавий билим, тажриба ва малакаларга** таянади.

Ажододларимиз деҳқончилик соҳасида бошқа Ўрта Осиёдаги халқлар сингари қадимги авлодлардан мерос бўлиб ўтган суғорма ва лалмикор деҳқончиликни, мураккаб суғориш иншоотлари ва тизимлари қуришни, табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, ерларнинг ўзига хос суғориш усуллари, агротехника тадбирларини яхши билганлар. Бойсун ва Қурама тоғ этакларида қадимдан жуда катта меҳнат ва ер шароитини билишни тақозо қиладиган **кориз деҳқончилиги** сақланиб келган. Зарафшон водийси, Сирдарё, Амударё ва Қашқадарё соҳилларида неолит ва бронза даврларидан амал қилиниб келинган дарё сувлари кўпайганда сув босадиган **қайирлар** ва **лиман ерлардаги деҳқончилик** Ўзбекистонда XX асрнинг 30-йилларигача сақланиб келган.

Ўзбекистон ҳудудларида суғорма деҳқончилик эраמידан олдинги III-II минг йилликларда кенг тарқала бошлаган. Кўп минг йиллик суғориш тарихига эга бўлган мамлакатимиз ҳудудида XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, барқарор ишлаб чиқариш тизими таркиб топди. Бундай ишлаб чиқаришда истеъмолчиларнинг эҳтиёжи қондирилиши билан бирга, атроф-муҳитга таъсир этишда ҳозирги ва келажакдаги авлодлар манфаати ҳисобга олинар эди.

Ўлкада шаклланган ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий муносабатлар максимал иқтисодий самарадорликка табиатга тушадиган атропоген оғирликни чегарадан ўтказмасдан эришиш имконини берган. Ҳозирги ижтимоий-экологик ёндошувга мувофиқ қаралса, ҳудудий ресурслар ижтимоий, иқтисодий, экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда оқилона тақсимланган. Ўрта Осиёни ягона ижтимоий экологик тизим деб қаралса, унда ҳамма вақт суғориб ўзлаштириш учун захирада ер ва сув ресурслари сақланган. Суғорма деҳқончилиكنинг ривожланиши лалмикор деҳқончилик, яйлов чорвачилиги, хунармандчилик ва кучли ривожланган савдогарлик

фаолияти билан уйғун олиб борилган. Ушбу ҳолатлар ўлкада экологик муаммоларнинг олдини олишга таъсир этсада, бош омил бўлмаган. Ўлкадаги барқарор ижтимоий-экологик мувозанатни вужудга келтирган бош омил халқимизнинг табиатдан фойдаланиш ва унга таъсир қилиш маданияти бўлган. Чунки бундай маданият бир неча минг йиллар давомида шаклланиб, тажриба, кўникма ва малака тариқасида авлоддан-авлодга бериб борилган. Вақт синовига бардош берган тажриба ва малакаларга кўп йиллик табиатни фенологик кузатишлар, синовлар ва янглишишлар эвазига эришилган. Деҳқончиликда экинни қачон экиш, қандай экин турининг бу ҳудудга мослиги, суғоришнинг қандай усулини қўллаш каби малакалар фақат бу йилги ҳосил эмас, ер ва сувдан узоқ вақт фойдаланиш имкониятидан келиб чиқиб танланган.

Маълумки, ернинг ишлаб чиқариш кучи у берадиган ҳосил билан белгиланади, бу эса тупроқнинг ҳолатига, унумдорлигига боғлиқ. Қадимги деҳқончилик марказларида тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви, яъни шўрланиш, ориқлаш, эрозия кабилар кўп марта юз берган. Шунинг учун ҳам аجدодларимиз ушбу салбий ҳолатга қаратилган чора – тадбирларни биринчи навбатдаги вазифа сифатида авлодарга бериб келганлар.

Аҳоли ўртасида шаклланган ижтимоий муносабатларда ҳам ижтимоий-экологик тизимдаги мувозанатни сақлашга қаратилган йўналишларни кўриш мумкин. Суғорма деҳқончилик қилиш жамоа меҳнатини талаб қилади. Этнографларнинг маълумотларига қараганда, ҳар бир маҳаллада жамоалар бўйича меҳнат тақсимооти йўлга қўйилган. Уларда “ихтисослашув” элементларини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, буғдой етиштирувчи жамоа ўз малакаларидан тўлароқ фойдаланиш учун қишлоқдаги жамоалар ўртасида алмашлаб экиш тизимига тортилган. Яъни ўша жамоа бир неча йиллик экин турини полиз экувчи жамоа билан ерини алмаштириши керак бўлган. Жамоанинг ҳар бир вакили ўз ерини албатта уч қисмга бўлган. Бир қисми йил давомида ҳайдалган ҳолатда сақлаб турилган. Жамоада қанча ерга донли экинлар, қанча ерга мойли экинлар, яна қанчасига полиз экинлари экилиши

лозимлиги тартибга солинган ва ушбу экинларнинг турига қараб, ер майдонлари ажратилган.

Жамоалар сувдан фойдаланишда навбатланиши, сувдан фойдаланиш ҳуқуқини олиш, ердан биргаликда “шерикли”, “чоракорлик”, “ижара” усулида фойдаланиш каби муносабатларни ҳам ижтимоий-экологик мувозанатни сақлашнинг муҳим омили сифатида қаралиши мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир суғориладиган ҳавзанинг юқори қисмида албатта “муқаддас зиёратгоҳ”лар мавжуд бўлган. Бундай жойлар кўпроқ дарёларнинг юқори қисмида жойлашган. Экологик нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бундай зиёратгоҳлар дарё сув режимини тартибга солиш мақсадида барпо этилган.

Юқорида санаб ўтилган айрим ижтимоий-экологик мувозанатни тартибга солувчи этноэкологик қадриятларни сақлаш механизми ҳам мустаҳкам яратилган. Бунда иқтисодий механизмлардан ташқари, ҳуқуқий нормалардан ҳам кенг фойдаланилган. Ислон қонунларида, ҳадисларда ер ва сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминловчи оятлар кўплаб топилади.

Ўрта Осиёда ҳар бир ҳудуд, ландшафт ўз имконияти даражасидаги ишлаб чиқаришга тортилган. Бунда шу ландшафтнинг геоэкологик тизимини оптимал ҳолатда ушлаб туриш имконияти қидирилган ва бунга эришилган.

Ернинг юза қисмидан фойдаланиш маданияти бўйича ҳам Ўрта Осиёда “инженерлик геологияси” соҳасидаги билимларнинг куртаклари шаклланган. Хўжалик фаолияти юритишда ер ости сувларининг хусусиятларини ҳисобга олишдан ташқари, жойнинг рельеф тузилиши, сейсмик зоналарнинг ўзига хослиги ҳам доимо инобатга олинган. Аждодларимиз томонидан шаҳар қурилиши соҳасида тўпланган кўп асрлик билимларни ўрганиш ва уларни янги замонавий билимлар билан боитиш ҳозирги авлоднинг энг долзарб вазифаларидандир.

Фарғона водийси XIX асрнинг охирига келиб, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, айниқса суғориб деҳқончилик қилиш маданияти бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларига тенглашди. Шунда ҳам суғориш имконияти

бўлган ерларнинг 40-50 фоизигина суғорилган, минтақада қишлоқ хўжалигининг икки йирик тармоғи-деҳқончилик ва чорвачиликни тенг ривожлантириб боришга ҳаракат қилинган. Бунинг учун замонавий географияда олдинга сурилаётган «тоғ-текислик» жуфтлиги (геопара - Л.Алибеков) алоқасига асосланган, ҳудуднинг ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасида тенг тақсимланиши йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг ердан, сувдан ва табиатнинг бошқа компонентларидан фойдаланиш борасидаги миллий кадриятлар даражасига кўтарилган, табиий ва ижтимоий муҳит билан уйғун риожланишга асосланган билим, кўникма, малака ва одатларини сақлаб қолиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш зарур. Бундай ҳаракатни экологик муаммоларни олдини олишга қаратилган дастлабки қадам деб билиш мумкин.

2.2 Сувдан фойдаланиш маданиятининг гидроэкологик асослари.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида табиий географик шароитнинг турлича бўлишлиги, хилма-хил сунъий суғориш усулларининг вужудга келишида муҳим омил бўлган. Аجدодларимиз **сой оқаваси, ҳавза ва ҳовузларда** сув тўплаш, **чиғириқлар** орқали чуқурдан сув чиқариш, **канал ва ариқлар қазил** йўли билан ўз яшаб турган ҳудудларига сув келтириш усулларини яратганлар. Ариқ ва каналларга дарёлардан **сақа** орқали сув чиқариш усули жуда кенг тарқалган. Бу нисбатан қулай, ишончли ва оддий усул бўлсада, аслида ниҳоятда мураккаб. Магистрал каналлар воҳадаги ерларни суғориш учун қазилиб, **дарё қирғоқларининг** ҳолатига қараб, унинг ўнг ёки чап соҳилидан қазилган. Мазкур каналлардан **шоҳобчалар**, сўнгра улардан **майда суғориш тармоқлари** ажралиб чиққан.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудларида катта-кичик каналлар ва ариқларга оддий **тўғонлар қуриш** орқали сув чиқариш техникаси ҳам кенг тарқалган. Шоҳ-шабба, ажриқ ўтлар, кесак-тошлардан махсус **қорабура** ёки **бард** ясаиб, дарёнинг секин оқадиган жойларига ташланган ва тўғон ҳосил

килинган. Қорабураининг йўғонлиги баъзан бир неча метр, узунлиги эса бир неча ўн метр қилиб тайёрланган. Масалан, суғорма деҳқончилиқнинг классик ўлкаси ҳисобланган Хоразмда барча каналлар ҳар йили кузда казиб тозаланган. Кейин эса тўғонлар очилиб, ариқларга сув юборилган. Полвонёб каби йирик каналларни тўсиш учун беш-олтита қорабура ясаб ташланган. Каналлар тозалаб бўлингач, дарёдаги сув ҳажмига қараб қорабуралар бирин-кетин олинган. Айрим дарёларда сув тошқини бўлиб, бу салбий оқибатларни келтириб чиқарганлиги учун дарё бўйларида яшовчи аҳоли асрлар давомида бундай ҳолатларни олдини олиш учун ўзига хос тадбирлар ишлаб чиққан. Хоразмда Амударё экин ерларидан баландда оқади, шунинг учун дарё сатҳи кўтарилганда суғориш тизимларини барбод қилиш, теварак-атрофдаги экинзор ва аҳоли яшайдиган ҳудудларни сув босиб кетиш хавфини туғдирган. Бундай ҳолат айниқса, кўклам ва ёз пайтларида юз берган.

Сув уриб кетиш хавфи бошқа дарёларда ҳам бўлиб турган. Айниқса, кучли сел келиши натижасида кам сувли дарёларда сув кўтарилиб, қирғоқдан чиқиб, каналларнинг бошланиш қисмини емирган ва қишлоқларни сув босган. Бундай ҳолат доимо бўлиб турганлиги учун маҳаллий аҳоли суғориш иншоотларини сув тошқини пайтида дарёларнинг кўтарилишини эътиборга олиб қуришга интилан.

Асрлар давомида тўпланган **тажриба, билим ва малакалар** асосида одамлар ҳатто тошқиннинг хавф туғдириш даражасини олдиндан башорат қилишга интилан. Масалан, дастлабки тошқин Хоразмда **“сунник”** ёки **“қамиш тошқини”** деб аталган. Зарафшон водийсида **“марзоб”** деб номланган ва у апрель ойининг бошларида юз берган. Иккинчи тошқин жуда кучли бўлиб, қанча-қанча лой-қумларни ва тошларни оқизиб, катта хавф туғдирган. Бу тошқин суғориш даврида, яъни май ойларига, жийда гуллаган вақтларга тўғри келган. Уни Фарғонада **“қалам гули тошуви”**, Хоразмда **“жида сосуви”** ёки **“юлдуз тошуви”**, Зарафшонда эса **“лойоб”** деб атаганлар. Учинчи марта бўладиган тошқинни хоразмликлар **“қирқ чилғон тошқини”**, зарафшонликлар эса **“чармоб”** деб номлаганлар. Бу тошқин

июнь ойида бўлган. Айрим жойларда тошқин сув балансига қараб **серсув, ўртача ва танқисроқ** бўлган даврларга ажратилган.

Баъзи районлардаги қадимий канал ва дарёлар жуда тез оққанлигидан ўзанларини чуқурлаштириб юборганлиги туфайли сув экинзорлардан анча пастда оққан. Бундай пайтда аҳоли махсус яратилган сув чиқариш механизмларидан фойдаланган. Ирригациянинг Миср каби энг қадимий ўлкаси ҳисобланган кўҳна Хоразмда ҳам сув чиқарадиган ҳар хил механизмлар жуда кенг тарқалган. Уларнинг энг машҳури **чиғир** (Мисрдаги “сакия”)дир. Ўзига хос сув чиқарадиган оригинал механизм ҳисобланган чиғир ёғочдан қурилган оддий ғилдиракдан иборат бўлиб, унга сув тўлдириб турадиган махсус сопол идиш – дигирлар бириктирилган. Мазкур ғилдирак горизонтал ўққа ўрнатилган бўлиб, иккита тишли цистерналар билан бирлаштирилган ва ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилган.

6-схема. Ўзбек халқининг сунъий суғориш усуллари.



Одатда, чиғир катта ва кичик хилда бўлган. Каттаси кичигидан ғилдирагини диаметри ва дигирлар сони билан фарқ қилган. Кичик чиғирни горизонтал ўқи катта сув чиқариб берадиган ғилдираги ер сатҳидан сал кўтарилиб кўриниб туради. Иккинчи цистернали ғилдиракнинг тишлари мойланиб, вертикал ўқни учига эса совун суртиб турилган. Чиғир билан бир кеча кундузда икки ботмон (салкам икки Га) ерни суғориш мумкин бўлган. Маҳаллий ёғочсоз усталар томонидан ясалган чиғирларнинг барча қисмлари одатда саккиз-ўн йилдан сўнг алмаштирилиб янгиланган. Мазкур

чиғирлардан ташқари, магистрал канал ва ариқларнинг бўйларида **чархпалак (сув чиғир)**лар ҳам ўрнатилган. У бир хил бўлиб, уни одатда сув кучи билан ҳаракатга келтирилган. Унинг ишлаш принципи ва механизми ёрдамида сув чиқариш Зарафшон, Фарғона, Сурхондарё водийларида ва Тошкент воҳасида кўпроқ ишлатилган. Аммо ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтирилган чиғирни асл ватани Хоразм ҳисобланган. 1917 йилга қадар, илгари бу ерда 80 мингдан ортиқ чиғир бўлган.

Хоразмликлар қадимги даврларда сув чиқаришнинг бошқа усуллари ҳам билганлар. Улар қўл кучи билан ҳаракатга келадиган **“сепма”, “дапма”, “нова”** каби усулларни ҳам ишлаб чиққанлар. Сепма ва депма усули махсус ёғочдан ясалган узун дастали пақир – капча билан пастдан юқорига ёки оёқ кучи орқали сув сепиш йўли билан амалга оширилган. Нова усулида ўйилган узун ёғоч нова қилиниб, сув пастдан юқорига чиқарилиб экинлар суғорилган.

Булоқ, ҳовуз ва коризлар орқали суғориш бир мунча чекланган бўлиб, улар асосан **Самарқанд, Сурхондарё** ва **Тошкент** вилоятларининг **тоғли туманларида** учрайди. Барча тоғли водийларда энг кенг тарқалган усул булоқ сувлари ҳамда тоғ тармоқларидан пайдо бўлган кичик дарё ва сойлардан ариқчалар чиқарилиб, экинлар суғорилган. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида булоқ сувларининг ўзанига катта харсангтошлар ташланиб, махсус ҳовузчалар қурилган. Ҳовузга етарли даражада сув тўплангандан кейин тўғоннинг ички томонида қолдирилган махсус тешик очилиб, экинларга муайян тартибда сув берилган. Мазкур ҳовузчаларни яқин даврларгача Шеробод, Бойсун ва Нурота туманларининг тоғ этакларидаги қишлоқларда учратиш мумкин эди.

Тоғ этакларида қўлланиладиган қадимий ва мураккаб сув чиқариш усулларида **кориз тизими** диққатга сазовордир. Бир неча ўзаро боғлиқ махсус қудуқлар орқали сизот сувларини далаларга чиқариб, суғориш **кориз усули** дейилади. Бу тизим Нурота ва Шеробод туманларида, Самарқанд вилоятининг Қизилбой, Қултепа, Оқтош, Чорбоғ, Бўлак номли

қишлоқларида, Наманганнинг Чортоқ районида кенг қўлланилган бўлиб, баъзи жойларда қисман ҳозиргача ҳам сақланиб келган.

Бухоро ва Қарши даштларида асосан чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли ўз томорқаларида полиз ва бошқа экинларни **қудукдан** сув тортиб олиш орқали суғорганлар. Қудукдан оддий мослама қовға ёки мешпақирни арқон билан кўпинча ҳайвон кучи орқали тортиб чиқариб сув олинган. Бу усул Қоялик, Майманак ва Косон туманларида сўнгги вақтларгача ишлатилган. Сув тақчил жойларда **қудукдан суғориш** 20-йилларнинг охирларига қадар суғориш усули бўлиб келган. Мазкур усулнинг гувоҳи бўлган кишилардан бири шундай таърифлайди: “Сув танқислиги туфайли Қарши чўлида ернинг бир томонида 1,5 аршин кенгликда қудук қазиб, уни атрофига пишган ғишт териб чиқадилар. Қудук тепасига чиғир мосламаси ўрнатилиб, эчки терисидан меш пақирлар ясаб, от ёрдамида қудуклардан сув олишади. Шундан кейин деҳқон ўз экинларни суғоради. Томорқадаги мевалар, полиз экинларини ва тамакиларни қудук суви билан суғориш кенг тарқалган”.

Ўзбекистондаги суғориш шоҳобчалари **катта ариқ** ёки **арна**, **арик** ёки **ёб**, **ўқарик** ёки **солма**, **оқава ариқ** ва бошқаларга бўлинади. Одатда, **битта ариқ** бир қишлоқни таъминлайди, шунинг учун ҳам у асосан, ўша қишлоқдаги **қабила**, **уруғ**, **бир авлод ёки жамоа номи** билан аталган. Масалан, Қалмоқарик, Қўнғиротарик, Қипчоқ ёб ёки Полвонёб ва бошқалар. Баъзан канал ва ариқлар шу иншоотни яратган ёки қурилишида бош бўлган шахс номи билан ҳам аталган.

Аждодларимиз ўзлари яшаган ҳудудлар табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос тартиб-қоидаларини яратдилар. Зеро, президентимиз таъкидлаганларидек, Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб-ахлоқ қоидаларига кўра, **“сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди”**. Ушбу асарда табиатдан оқилона, уйғун фойдаланиш маданиятини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланади.

Ўрта Осиёда каналлар, ариқлар ва бошқа суғориш иншоотларини ҳар йили албатта чопиб, тозалаб туриш шарт бўлган. Ўтмишда бу ғоят мушкул иш кенг меҳнаткаш оммани зиммасига юкланган. Йирик каналлар қазилар ва уларга тўғонлар қуриш айниқса, оғир бўлиб, бу ишлар асосан қиш ёки эрта кўкламда бажарилган. Масалан, Хива хонлигида ариқларни тозалаш учун етти юз мингга яқин иш кучи сарф қилинган. Тошкент волостида эса биргина Захарикни тозалаш ва тузатишга 42 минг иш кучи талаб этилган. Зарафшоннинг қуйи оқимидаги Катта ариқни тозалашда уюштирилган ҳашар 15 кун давом этган.

Хоразмда ҳар **10 таноб ер - бир сув** ҳисобланиб, мана шу майдон ҳисобидан ариқ тозалашга бир ҳашарчи юборилган. Бир қишлоқлик ҳашарчилар одатда 20 кишидан тузилган. Ҳашар гуруҳларга бирлашиб, ораларидан икки киши бошлиқ қилиб сайланган. Бундан ташқари ҳашарчилар сувни идора қилиб турадиган маъмуриятга махсус солиқ – “афанақ пули” (сув пули) тўлаганлар.

Барча иншоотларда сувни бошқариш учун махсус маъмурият тайинланган. Ўрта Осиё хонликлари даврида суғориш, канал ва ариқларни таъмирлаш, тозалаш ишлари тўра ёки амалдорларга топширилган. Трукистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгача эса бу ишлар маҳаллий олий ҳукумат томонидан тайинланган ариқ оқсоқолларига топширилган. аҳоли томонидан сайланган кўп сонли мироблар ана шу оқсоқолларга бўйсунган. Тўғонларга қараб туриш учун махсус **тўғончи** ёки **соқочи** ёлланган. Сув иншоотларида сув бериш тартиби ва унинг миқдорини мироблар белгилаб берган.

Одатга кўра, суғориладиган ерларнинг кўпчилигида, айниқса, Хоразм ва Зарафшон водийсида экинлар сувга муҳтож бўлган даврда сув танқислиги сезилса, ундан навбат билан фойдаланишга қатъий риоя қилинган.

Сув кўпинча чек билан тақсимланган. Сувдан фойдаланиш тартибини бузганлар қаттиқ жазоланиб, пул жаримаси ёки қамоққа ҳукм қилинган. Биринчи навбатда ариқ этагидаги ерларга, кейин ариқ охиридан иккинчи

майдонга, сўнг юқорироққа сув берилган. Зарафшон қуйи оқимидаги экинларни сув билан таъминлаш мақсадида дарёдан сув оладиган катта ариқларнинг ўрта оқимида тўғонлар қурилган. Бу ариқ мавсумда икки марта – май ойининг иккинчи ярмида ва августнинг охирларида тўғондан бўшатишган. Ҳатто кичик ариқларга ҳам сув навбат билан тақсимланган.

Сув миқдори муайян тартибда ўлчанган. Масалан, **“бир сув”**(арикдан бир кеча кундузда оқиб ўтган сув), **“бир тегирмон сув”** ёки **“бир тош сув”** (бир дўл донни тегирмонда тортгунча кетадиган сув), **“бир қўш сув”** (бир қўш хўкиз билан ҳайдалган ерни суғориш учун кетадиган сув) ва **“бир қулоқ сув”** каби сув ўлчовлари кенг қўлланилган. Қашқадарёнинг сувга танқис туманларида жамоа фойдаланадиган пайкалларда бир қўш ерга бериладиган сув **“мўнди”** билан ўлчанган. Мўнди тубида тешиги бор тахминан ўн литр сув сиғадиган оддий сопол кўзачадан иборат бўлиб, ундаги сув оқиб бўлгунига қадар деҳқонлар сувни ўлчаганлар.

Суғориш усуллари экин турларига қараб ҳам белгиланган. Шоли, беда ва бошқа бошоқли дон экинлари **“бўлак”** ёки тахта-тахта қилиб бостириб суғорилган. Кўп жойларда бостириб суғориш усулидан ерларни шўрини ювишда ҳам фойдаланилган. Шўрни ювишдан олдин ер бир неча марта ҳайдалиб, яхшилаб мола босилган ва текисланган. Кўпгина экинлар эгатлар орқали ийдириб суғорилган. Ерни қатқалоқ босмаслиги учун чопиқ қилинадиган экинларга ёндош эгатлар ёки жўяклар орқали сув оқизилган.

Ўзбек деҳқонлари **ерларни ботқоқланишдан сақлаш** чорасини азалдан билишган. Улар ботқоқ ерларнинг сувини қочириш учун зовурлар қазишган. Масалан, Бухорога яқин жойда қазилган Темур Захкаш деб аталган зовур қадимий сув иншоотларидан бири саналади. Сувсизлик ёки сув босиш хавфи маҳаллий деҳқонларнинг турли-туман маросимлар ўтказиш ва ҳар хил иримларга амал қилишга ундаган.

Кейинчалик Ўзбекистонда сув хўжалигини такомиллаштириш, барча суғориш тизимларини таъмирлаш ва янги каналлар қуриш тадбирлари қўрилган эди. Айниқса, Мирзачўлда, Фарғона водийсида, Зарафшонда,

Оқдарёда, Шаҳрихон, Захарик ва Бўзсувда янги суғориш иншоотлари, сув тақсимлагичлар, тўғонлар қуриш ва бошқа ишлар амалга оширилган эди. Қашқадарё вилояти туманларини сув билан таъминлаш мақсадида 14 минг киши иштирокида ҳашар йўли билан **Лангар канали** қурилган. **1939** йилнинг баҳорида 45 та катта канал ҳашарчилар ёрдамида бунёд этилган. Ўша йили ёзда узунлиги 270км келадиган **Катта Фарғона** каналининг бир ярим ойда қурилиши ўзбек халқи меҳнат жасоратининг намунаси бўлди. Кейинроқ, ҳашар усули билан **Каттакўрғон сув омбори, Жанубий Тошкент ва Зарафшон каналлари** ишга туширилди. Катта Фарғона канали қурилишида Ўзбекистондан 160 минг, Тожикистондан 20 минг киши қатнашган. Сув қувватидан тўла фойдаланиш мақсадида 1943 йили Ўрта Осиёда энг йирик бўлган Фарҳод ГЭСининг қурилиши тарихий аҳамиятга эга бўлди.

III-бoб. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҲУДУДИДА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ.


3.1. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни шаклланишида геоморфологик омилларнинг таъсири.

Маълумки, Фарғона водийсининг умумий кўриниши бодомсимон шаклга эга бўлиб, деярли ҳамма томондан тоғ тизмалари билан ўралган. Узунлиги 370км, ўртача кенглиги 60-120км. Водий ҳудуди ғарбдан шарққа томон кўтарилиб боради. Денгиз сатҳидан баландлиги ғарбда 330м бўлса, шарқий қисмида 1000м ва ундан ҳам баланд.

Водийнинг ер юзаси тузилиши ниҳоятда хилма-хил. Водий ер юзасини геоморфологик жиҳатдан бир нечта гипсометрик поғонага, яъни текисликлар, адирлар, паст тоғлар ва баланд тоғлар минтақасига ажаратилади.

Фарғона водийси ландшафтлари анча яхши ўрганилган бўлиб, Ўрта Осиё тоғолди-чалачўл провинциясига киради. Геоморфологик белгилар бўйича водийда тоғ ва текислик ландшафт синфлари ва уларга мос ҳолда 5 та: баланд тоғ (3000 метрдан юқори), ўртача тоғ (2000-3000 м), паст тоғ (500-2000 м), чала чўлли баланд текисликлар, чўлли пастекислик синфчалари ажратилган.

7 - схема. Фарғона водийси ландшафтларининг синф ва синфчаларга бўлиниши.



Текислик ландшафтларидан фарқ қилиб, тоғ оралиғи-ботиқларида баландлик даражасидан келиб чиқадиган рельеф қатлами, баландлик поғоналарининг шаклланиши кузатилади. Фарғона водийсининг мамлакатимиз қисмида 4 та баландлик минтақаси ажратилади. Водийнинг орографик жиҳатдан берклиги ҳар бир баландлик поғонасида алоҳида ландшафт мажмуаларини ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Айни вақтда морфологик кўрсаткичнинг ўзгариши билан табиий шароитни белгиловчи бошқа унсурлар ҳам ўзгариб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Фарғона водийсида ердан фойдаланадиган ҳудудларнинг геоморфологик ва гидрогеологик ҳолатига кўра 4 та поғонага ажратиш мумкин.

Фарғона водийси аҳолиси ҳар бир поғонада ер ва сувдан фойдаланишда жойнинг табиий имкониятларидан максимал фойдаланишга ҳаракат қилиш билан бирга, у ердаги табиий жараёнларга қарши борилмайдиган, кўпроқ

тупроқ-экологик ҳолатининг салбий ўзгаришига йўл қўймайдиган ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини шакллантирган. Шунинг учун қуйида ҳар бир поғонада ердан фойдаланиш ҳолати, ўзлаштирилиш тарихига мос равишда, юқоридан пастга томон, Сўх конуссимон ёйилмаси бўйича қисқача кўриб чиқилади.

IV-поғона: Олой, Туркистон тизмаси, Сўх, Риштон адирлари худудини ўз ичига олади. Бу ерда тик қояли рельеф шакллари чуқур водийлар билан алмашилиб келади. Ердан деҳқончиликда фойдаланиш шу водийларда қисман йўлга қўйилади, бошқа худудлар эса чорвачилик ва тоғ боғдорчилигига ажратилади.

Маълумки, иқлимнинг шаклланишида баландлик кўрсаткичи асосий аҳамиятга эга. Ҳаво температураси ва ёғин миқдори водийнинг текислик қисмидан кескин фарқ қилиб, ёз ойларининг қисқалиги ва ёғиннинг кўплиги билан тавсифланади. Тоғли водийларда (Сўх, Шоҳимардон) 1300-1500 баландликда ёғин миқдори 350-400мм атрофида бўлади. Бу ҳолат худудда лалмикор деҳқончиликни ривожлантириш имконини беради, картошка, кузги буғдой ва дарё водийларида шоли етиштирилади. Иқлимнинг бу хусусияти худуддан асосий чорвачилик яйлови сифатида фойдаланишга замин яратган.

Ушбу поғонада Қўқон воҳасининг ривожланишида асосий омиллардан бири бўлган сув ресурслари шаклланади. Сўх дарёси Олой-Туркистон ва Зарафшон тизмалари туташган Матчоҳ довори атрофидан бошланади. Баландлиги 3850 м. бўлган мазкур худудда дарёни тўйинтирувчи асосий музликлар жойлашган. Бу ўзига хос хусусият Сўх, Исфара дарёларини водийнинг бошқа дарёларига ўхшаб май, июн ойларида эмас, балки июл, августда тўлиб оқишига сабаб бўлади.

Гидрогеологик жиҳатдан ушбу поғонада ер ости сувлари шаклланади. Оқимнинг яхшилиги бу ерда эриган тузларнинг (хлоридли, сульфатли, гидрокарбонатли) қуйига кетишини таъминлайди.

Кўрилатган поғонада, энг юқорида жигарранг тоғ тупроқлари, 800-1400 баландликда тўқ тусли бўз, 400-500 м дан 600-800 м гача типик бўз, оч

тусли бўз тупроқлар тарқалган. Шағалли механик таркиб ушбу тупроқларда сувларнинг ер остига шимилишига имконият яратади, ботқоқлашув ва шўрланишга йўл қўймайди.

Ердан фойдаланишда ҳудуднинг Қўқон воҳасини сув билан таъминлашдаги гидрогеологик ҳолати ҳисобга олинган. Тоғ билан текислик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, модда ва энергия алмашинуви жараёни, яъни «тоғ-текислик» геожуфтлиги ердан фойдаланишнинг табиий-ташкилий типиди муҳим аҳамиятга эга бўлган. Аввало бу ҳудуд, орографик тўсиқларга қарамадан, алоҳида иқтисодий макон сифатида шаклланган ва бу ерда ягона маъмурий-бошқарув ҳамда иқтисодий алоқалар тизими мавжуд бўлган. Қўқон воҳасида суғориб деҳқончилик қилиш ривожланмаган даврда ушбу поғонадаги аҳоли бир - бирлари билан горизонтал алоқалар орқали кўпроқ боғланган. З.М.Бобур замонида бу поғонадаги Сўх, Ҳушёр, Воруҳ каби қишлоқлар Исфара вилояти таркибига кирган (Бобурнома).

Қўқон воҳаси ўзлаштирилиши билан дарё йўналиши бўйича алоқалар тикланган, тоғ қишлоқлари ва текислик ҳудудидаги аҳоли ўртасида ўзига хос меҳнат тақсимооти ва мол айрибошлаш йўлга қўйилган. Маъмурий бўлинишда ҳам ўзгариш бўлган, яъни бутун Сўх дарёси тизимида ягона бошқарув йўлга қўйилган. Тоғли ҳудудларда яшовчи аҳолига, ушбу ҳудуднинг дарё суви миқдори ва режимини сақлаш функцияси юклатилган. Ҳудуднинг асосий қисми яйлов бўлиб, Сўх тарихий-географик районининг атиги 0,8 фоизи суғориб деҳқончилик қилишга ажратилган (Обзор..., 1889).

Сув эрозиясига йўл қўймаслик мақсадида дарё водийларида шоли, бошқа ҳудудларда кузги буғдой, картошка, сабзи каби илдиз мевали экинлар ва 80 турдаги дарахтлар экилган. Бошқа маҳсулотлар халқ эҳтиёжини қондириш учун текисликдан келтирилган. Сўх, Чорку қишлоқларида душанба, пайшанба кунлари, ишловчи 70 та савдо растасига эга бўлган, чорва билан ҳам савдо ўтказиладиган бозор бўлган (Обзор..., 1889).

Олой, Туркистон тизмаларининг водийни сув билан таъминлашдаги экологик функцияси ўша даврлардан бошлаб тушуниб келинган. Бу

худудларда ўзига хос «қўриқхона»лар давлат ва маҳаллий аҳоли томонидан ташкил этилган. Ёзма манбалардан «Ворух китоблари»да дастлабки «қўриқхона» очиш ҳақидаги фармон сақланиб қолган. Қояга ўйиб ёзилган ушбу битиклар Исфара ҳукмдори Абул Фозил Аббос Арслон Тагиннинг фармонидир. Унда айтилишича, ҳукмдор 1041 йилдан бошлаб Ворух ва унинг атрофидаги мевазор ўрмонлару, ўтлоқлар жойлашган худудларни ўз тасарруфига олади ва қўриқ жойга айлантиради.

Қўқон хонлиги даврида ҳам кўплаб, авваллари жамоа мулки бўлган тоғли хушманзара жойлар хон мулкига айлантирилиб, у ерда «қўриқхона» ташкил этилганлиги маълум. Шўро давридаги адабиётларда ҳукмдорларнинг бу ҳаракатига салбий баҳо берилиб, «Ҳукмдорлар сўлим гўшаларни халқдан ўзлари учун асраганлар» деб ёзилган. Бироқ, бундай қўриқхоналарнинг ташкил этилишини бошқача изоҳлаш ҳам мумкин. Шу даврга келиб араб географлари ва В.Наливкин (1886) асарларида айтилган, адирлар зонасигача тушиб келган «Ўрмон-боғлар»нинг майдони кескин қисқара борган. Аҳоли сонининг ортиб, суғорма деҳқончилик майдонларининг кенгайиши кузатилган, жамоа мулки бўлган худудларда дарахтлар кўплаб кесилган. Оқибатда, VIII-IX асрларда дарё режимининг ўзгариши, сув тошқинлари кўплаб кузатилган. Ўз-ўзидан кишилар бу салбий жараёнларнинг сабабини ўрганганлар ва унга қарши қаратилган чора-тадбирларни қидира бошлаганлар. Биринчи навбатда табиатнинг бузилган унсурларини, яъни ўрмонларни тиклашга ҳаракат қилинган. Ўз ўлкасининг гуллаб яшнашини ўйлаган ҳукмдорлар эса аввало, тоғли худудлар табиатини асраб «қўриқхоналар» ташкил этган дея хулоса қилиш мумкин.

Тоғли худудлар табиатини сақлашда аҳоли диний-ҳуқуқий усуллардан ҳам фойдаланган. Сомонийлар даврида (IX-X аср) Фарғона водийси дарёларининг бошланиш жойларида муқаддас зиёратгоҳлар пайдо бўлган. Рассудова Р.Я. водийда 7 та қадамжойни алоҳида ажратиб кўрсатади (1985). Ўрганилаётган поғонада бундай ўзига хос «қўриқхона» ларда дарахт кесиш, ҳайвонот дунёсига зарар етказиш, айрим жойларда ерларни ҳайдаш

таъқиқланган. Аҳолининг анчагина қисми дарёнинг қуйи қисмидаги деҳқончилик билан шуғулланувчилар томонидан олиб келинган хайр-эҳсон, назр-ниёз ҳисобига яшаган ва табиатга ортиқча аралашишга эҳтиёж сезмаган. Водийнинг атрофидаги дарё ҳавзаларида 40 дан ортиқ «муқаддас зиёратгоҳ»лар борлигини кўриш мумкин.

Ушбу поғонадаги ўзбек, тожик, қирғиз миллатига мансуб аҳоли чорвачилик, лалмикор деҳқончилик, тоғ ўрмонларида боғбонлик, муқаддас зиёратгоҳларда посбонлик қилишдан ташқари яна бир вазифани бажарганлар. Дарёларнинг тоғ ва адирликларидан текисликка чиқиш жойидаги қишлоқлар аҳолиси дарё сувини тартибга солиш ва сел хавфидан дарёнинг қуйи қисмидаги аҳолини хабардор қилиб туриш вазифасини ҳам бажарган (Ершов, 1955). Бундай қишлоқлар топонимикаси ўрганилганда, уларга кўпроқ Қалъа, Қалъача, Хушёр каби номлар берилганлигини таъкидлаш мумкин.

III-поғона: Сўх конуссимон ёйилмасининг юқори қисмини эгаллайди. Баландлиги 700м дан бошланадиган тўлқинсимон рельефга эга бўлган текисликлардир. Табиий ўзанлар билан бўлинган ушбу поғонанинг катта қисмини шағалли ҳудудлар қоплайди.

Ушбу ва навбатдаги поғоналарда иқлим кўрсаткичлари бир-биридан кўп фарқ қилмайди. Қўқон агроиқлим районида йиллик ўртача ҳаво ҳарорати Фарғона ва Андижондан 0,5-0,8⁰ юқорироқ бўлиб 13,4⁰ ни ташкил этади. Ёғин миқдори район ғарбда жойлашганлиги туфайли ва доимий шамоллар таъсирида бошқа агроиқлим районларидан кам, масалан, Қўқонда йиллик ёғин миқдори 98мм бўлса, Шўрсувда у атиги 53 мм ни ташкил этади. Айнан шу ҳолат ғарбий Фарғонада суғориб деҳқончилик қилишни водийнинг бошқа жойларига нисбатан кўпроқ ривожланишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Бу поғонадаги термик ресурслар ва табиий намланиш коэффициенти бошқа поғоналардан фарқли; иссиқлик ресурсларининг йиллик миқдори 4000-3800, намлик коэффициенти 0,14-0,16 ни ташкил этади.

Ушбу поғонада Сўх дарёси тоғ ва адир дараларидан ташқарига чиқади ҳамда йирик суғориш каналларига тақсимланади. Сарикўрғон гидроузели мазкур поғонанинг юқори қисмида, Қўкон гидроузели эса қуйи қисмида жойлашгандир.

Гидрогеологик жиҳатдан бу поғона ер ости сувларининг чуқурда ётиши (50-100), яхши таъминланган оқимнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Бу ерда ер ости сувларининг 95 фоизи шаклланади, сувлик қатламнинг калинлиги 20-50 метрни ташкил этади.

Шағалли қатлам катта майдонларни эгалласа-да, айрим жойларда оч тусли бўз тупроқлар тарқалган. Шағалли қопламнинг борлиги учун ер ости сувлари чуқурда, тупроқнинг шўрланиши ва ботқоқлашуви хавфи йўқ. Бироқ, шағалли ҳудудлардан фойдаланиш алоҳида меҳнат ва малакани талаб қилади. Шу боис, бу ҳудудлардан деҳқончилик мақсадида камроқ фойдаланилган.

Юқорида кўриб чиқилган табиий ландшафт хусусиятлари таъсирида суғориладиган ерлар майдони 5-7 фоиз атрофида бўлган. Ҳудуд кўпроқ боғдорчилик ва узумчилик учун ажратилган. Маҳаллий деҳқонлар ердан фойдаланишнинг бу усули орқали конуссимон ёйилмаларнинг қуйи қисмларида ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиб кетишига ва тупроқ шўрлашувига йўл қўймаганлар. Ердан фойдаланишда калматажлаш усули билан тупроқ қатлами ҳосил қилинган.

Ердан фойдаланишда ушбу поғона кам сув талаб қиладиган данакли боғлар кўплиги билан ажралиб турган. Исфара, Конибодом, Шўрсув, Риштон ҳудудлари ўрик, бодом, ёнғоқ дарахтлари кўп экилади. Бу эса, юқорида айтилганидек, табиий имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш ва қуйи поғонада ер ости сувларининг сатҳи ўзгаришига йўл қўймаслик учун замин яратган. Ушбу поғонадан кўплаб суғориш каналлари чиқарилган. А.Абдулҳамидов Сўх дарёсидан 98 та йирик, 363 та майда ариқлар чиқарилганлигини ёзади (Абдулҳамидов, 1990, 51 б). Фарғона водийси бўйича қилинган ҳисоботда эса Сўх дарёсидан чиқарилган йирик (магистрал)

ариклар сони 118 та деб берилган Сўх дарёси ушбу поғонада 5 та суғориш тизимига бўлинган. Ҳар бир суғориш тизимининг ягона маъмурий бирликдан бошқарилиши сув тақсимоти, сувга навбатни белгилаш, экин турларини танлашда қўл келган. Маъмурий бирликлар ҳудудларининг шакли (конфигурацияси) дарёдан чиқарилган ариклар бўйига ўтказилганлиги ер ва сувдан унумли фойдаланишини таъминлаган.

Рус ҳукуматининг ўлкадаги маъмурий бўлинишни қайта ташкил этиши ҳам тез орада суғориш тизимига ва деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатган. А.Ф.Миддендорфнинг ёзишича, «1877 йил Марғилон уездининг Шаҳрихон аҳолиси Губернаторга мурожаат қилиб аввал Шаҳрихон шаҳрига, ҳозирда Андижон ва Ўш уездларига қарайдиган Қорасув, Маъмуробод, Жалолқудук, Сўфиқишлоқ аҳолиси сувни ушлаб қолаётганликлари туфайли экинлари суғорилмай қолаётганлигини айтадилар» (1882, 173 б). Демак, водийдаги сув тақсимлаш ва навбат билан сув олишнинг кўп асрлик тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш зарур. Ушбу ҳудудда аҳоли деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари мироблик касби билан ҳам шуғулланган.

II-поғона: Сўх конуссимон ёйилмасининг марказий қисмини эгаллаб, денгиз сатҳидан баландлиги 400-600м атрофидаги қия текислик рельефига эга. Иқлим кўрсаткичлари олдинги поғонадан деҳқончилик қилиш учун қулайроқ. Иссиқлик ресурсларининг йиллик миқдори 4000 – 4400 нинг, намланиш коэффициенти (H_k) 0,10-0,14 ни ташкил этади.

Гидрогеологик шароитга кўра, поғонада ер ости сувларининг табиий-географик жараёнларга таъсири катта. Сувларнинг бироз минераллашуви ва ер бетига яқинлашиши кузатилади. Ушбу поғонада ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган, унумдорлиги юқори бўлганлиги сабабли бу ҳудудлар тўла ўзлаштирилган. Саз режимидаги ўтлоқи тупроқлар чириндининг оз ёки кўплигига кўра 2 турга бўлинади: тўқ тусли ва оч тусли. Ўтлоқи ва ботқоқлашган ўтлоқи тупроқлар орасидаги пастқамликларда, сизот сувлари ёзги сув кўтарилишида ер юзасига етиб келадиган жойларида ботқоқ тупроқлар ҳосил бўлади.

Қўқон воҳасининг энг асосий деҳқончилик қилинадиган ҳудуди бўлган бу жойда сувдан навбати билан фойдаланиш ва уни тежаш усуллари ўрганишга арзигуликдир. Сўх дарёсидан фойдаланувчи аҳоли дарё режимини йил давомида кузатиши ва тошқинлар бўлишини олдиндан билиши адабиётларда қайд этилган. Бундай ўзига хос гидрологик тақвим дарё сувидан унумли фойдаланишга имкон яратган.

Дарё сувининг суғориш учун далаларга узатилишида ер тури, қандай экин экилганлиги, тупроқ типи эътиборга олинган. Қўқон хонлиги 15 та бекликка бўлиниб, ҳар бир бекликнинг сув хўжалиги маҳаллий маъмурият томонидан бошқарилган (Абдулхамидов, 1990, с.94). Асрлар давомида шаклланган, жойнинг табиий-иқлим, рельеф, тупроқ экологик ва демографик шароитларни ҳисобга олиб ташкил этилган ушбу суғориш тизимига рус ҳукумати ҳам деярли аралашмаган. Бу ҳақда В.И.Масальский шундай ёзади: «Бу янги, яхши таниш бўлмаган соҳага аралашиниш лозим топилмади ва барча сувдан фойдаланиш иши маҳаллий аҳолига қўйиб берилди».

Шу ўринда ариқларга сув тақсимлаш ҳам суғориш тизимига кирувчи аҳоли манзилгоҳлари қайси тупроқ зонасига кирганлиги ва тупроқнинг етилишини, ҳисобга олиб амалга оширилганлиги таъкидланади. Сувга навбат март ойидан бошланиб, 1 июлда тугаган. Эски сана бўйича ҳамал ойи 7 мартдан бошланишини ҳисобга олсак, навбатлашиб сув олиш тупроқнинг етилиши билан бир вақтда бошланган. Риштон ариғидан сув ичадиган «оқ тупроқли» (ўтлоқи) ҳудудда жойлашган Оқтомир, Қўшқайроқ, Тўда, Қалайнов ва Катпут қишлоқлари ўн кун сув олганларидан сўнг «қора тупроқли» (ўтлоқи ботқоқ) ҳудудида жойлашган Зодиён, Жалаер, Бўжай, Бешкапа, Фармачит қишлоқлари сув олган. Юқори поғонада жойлашган қишлоқлар (Қистакўз) қуйи поғонадаги ҳудудлардан (Ўлақандоз) умумий ҳисобда 10 кун кўп сув олганлиги маълум. Бу ҳолат тупроқнинг намликка бўлган талабидан келиб чиқиб белгиланган.

Аҳолининг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланса-да, ҳунармандчилик ва кейинроқ кучли ривожланган савдогарлик тизими

шаклланган. Ушбу поғонада жойлашган шаҳарларда ҳафтанинг ҳар кунда бозор бўладиган шаҳарни топиш мумкин бўлган. Қўқонда якшанба, чоршанба, пайшанба, Яйпанда сешанба, Бешарикда душанба, Кудашда жума кунлари бозорлар ишлаган (Обзор..., 1889.)

I-поғона: Сўх конуссимон ёйилмасининг чекка қисми ва конус оралиғи ботикларини эгаллайди. Баландлиги 350-400м бўлган ушбу ҳудудларда ўзига хос ландшафт кўрсаткичлари мавжуд. Айниқса, гидрогеологик ҳолат ушбу поғонада тупроқ катламига ва ердан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи асосий омилдир. Бу ерда, ер ости сувлари ушбу поғонага юқоридан оқиб келади ва маълум даражада минераллашади. Шунинг учун шўрхокларнинг 3 хил тури: типик шўрхоклар, ўтлоқи шўрхок ва ботқоқли шўрхоклар кузатилади.

Ҳудуддан кузги, қишки яйлов сифатида кенг фойдаланиб келинган. Мазкур ҳудуддаги тўқайларда кўрикхоналар ҳам ташкил этилган, ўзига хос шўрга чидамли экинлар ва шоли янги ўзлаштирилган ерларда етиштирилган. Айни чоғда ҳудуддан қишлоқ хўжалигида нисбатан камроқ фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Янгиқўрғон, Бувайда, Қорақалпоқ волостларида суғориладиган ерлар миқдори 5-25 фоизни ташкил қилган, поғона ҳудудидан кузги-қишки яйлов сифатида кенг фойдаланилган.

Поғонада жойлашган аҳоли манзилгоҳлари топонимикасини ўрганиш орқали ҳам ҳудуднинг табиий шароити, аҳолиси ва хўжалиги ҳақида маълумот олиш мумкин. Шўр, Шўртепа, Шўркўл, Шўрқишлоқ каби жой номлари бу ернинг тупроқлари ҳақида маълумот берса, Чирикжийда, Чағали, Қайрағоч каби номлар шу ердаги ўсимликлар дунёсини ўрганишга ёрдам беради. Янгиқўрғон, Янгиқадам, Янгиобод, Янгиқишлоқ каби жой номлари бу ерларни ўзлаштириш нисбатан кечроқ бошланганлигини билдиради. Янги ўзлаштирилиши мумкин бўлган заҳирадаги ерлар шу поғонада сақлаб турилган.

Юқоридаги параграфда келтирилган Фарғона водийси ландшафтлари учун хос бўлган поғоналарда табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос

шакллари ташкил топган. Баланд тоғлардан тортиб дарё водийларига қадар жойлашган майдонларда ишлаб чиқаришнинг алоҳида тури жойлаштирилган. Бунда иқтисодий, ижтимоий-экологик самарадорликка алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир тармоқнинг водий ҳудуди бўйича жойлаштирилишида ерга унча таъсир этмай туриб кўпроқ самара олишга ҳаракат қилинган. Буни чорвачилик тармоқларининг жойланиши мисолида ҳам кўриш мумкин.

1. Текислик-чорвачилиги – ўтроқ аҳоли уйда боқиладиган чорва ҳайвонларини ўзида жамлайди, ўрим-терим тугалланганда ва ёз ойларида паст тоғлар ҳамда адирларга ҳайдаб боқилади. Далаларда боқишда ерларни маҳаллий ўғитлаш вазифасини бажариш ҳам ҳисобга олинади. Водийда яшовчи ўзбек миллати таркибига кирган турклар ҳамда тожик ва қашқарлар шу кўринишдаги чорвачилик билан машғул бўлишган.

2. Тоғ-текислик - чорвачилиги билан водийнинг ярим ўтроқ аҳолиси шуғулланган. Чорва ҳайвонлари камида 2 та баландлик минтақаси оралиғида ҳайдаб боқилган. Йўналишлар кўпинча дарё соҳиллари бўйлаб юқорига кўтарилиб ёки пастга тушиш билан тавсифланган. Бу турдаги ҳайвонларни ҳам текислик ҳудудларга тушиши куз ойларида кузатилган.

3. Тоғ-яйлов чорвачилиги билан асосан кўчманчи аҳоли банд бўлган. Кўпроқ қирғиз ва қора-қирғизлар учун хос бўлган бу турдаги чорва ҳайвонлари фақат сотиш учун бозорларга ҳайдаб тушилган, бошқа вақтларда тоғ ва баланд тоғ яйловларида ҳайдаб боқилган. Чорвачиликнинг бу турида аҳоли сонининг кўпайиши билан чорвадорларнинг катта қисмининг ўтроқ ҳаётга ўтиб бориши кузатилади.

Тоғли ҳудудлардан фойдаланишда *тоғ-ўрмон боғдорчилиги* ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу ерларда қурилишда ишлатиладиган дарахтлардан арча, қарағай, оқ қайин, пихта, тол, терак, шумтол ўстирилса, мевали дарахтлардан ёнғоқ, писта, бодом, ўрик, олма, нок, гилос, зирк каби 80 турдаги дарахт ва буталардан фойдаланилган (Обзорё...,1989). Фарғона водийсида бундай ўзига хос «ўрмон-боғларнинг» асосий қисми атрофдаги

тоғларда, қисман Марказий Фарғонанинг қумли массивларида жойлашган ва улар иқтисодий-экологик, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган.

Водий текислик ҳудудларининг юқори қисмидаги бу «ўрмон-боғлар» ўзига хос «қўриқхона»лар вазифасини бажарган. Уларнинг экологик функциясига ва сақланиш усулига кейинроқ тўхталамиз ва унинг ҳудудий тақсимланишини 5-илова бўйича таҳлил қиламиз. Фарғона водийсининг боғ майдонлари энг кўп бўлган вилоятлари Наманган ва Андижон ҳисобланиб, водийдаги боғларнинг 82,9 фоизи шу вилоятлар ҳиссасига тўғри келган. Ушбу ҳудудий тақсимот боғдорчиликнинг жойланишида ландшафт имкониятлари яхши ҳисобга олинганлигини кўрсатади.

Тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли фақатгина чорвачилик билан чекланиб қолмасдан, лалмикор деҳқончилик билан ҳам шуғулланган. Водийнинг шарқий ҳудудларига томон лалмикор деҳқончилик қилинадиган майдонлар миқдори ортиб бориши кузатилади. Масалан, Қўқон уездида 1887 йилда етиштирилган буғдойнинг 15,4 фоизи лалмикор ерларда етиштирилган бўлса, Марғилон уездида бу кўрсаткич 19,4 фоизни, Ўшда (уезднинг Ўзбекистон қисмидаги Ойим-Қорасув, Оқбўйра-Марҳамат тарихий- географик районлари ҳисобга олинган) 54,3 фоизни ташкил қилган. Бу ҳудудларда экиладиган донли экинлар орасида қайроқи буғдой, арпа, тарик, кўноқ каби камсувталаб экинларнинг бўлиши, боғларда эса камсувталаб данакли боғлар майдонининг кўплиги аҳолининг ландшафт талабидан келиб чиқиб, ердан фойдаланишни оқилона ҳудудий ташкил этганлигини билдиради. Шундай қилиб тоғли ҳудудлардан фойдаланишда чорвачилик ва тоғ-боғдорчилиги етакчи тармоқ бўлган.

Водийнинг навбатдаги ландшафт зонаси ҳисобланган адир орти (оралиғи) ҳамда тоғ олди текисликларида ердан фойдаланиш бир-бирига ўхшаш бўлган. Бу ҳудудда жойлашган тарихий-географик районларда суғориладиган ерлар ва узумчилик-боғдорчилик билан банд майдонлар салмоғи кўплигини кузатиш мумкин (5-илова).

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, боғдорчилик водий аҳолисининг энг сеvimли машғулотларидан бири ҳисобланган. Боғларнинг ташкил этилишида ҳам жойнинг табиий-иқлим шароити ҳисобга олинган. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам экологик-рекреацион вазифани ўтаган. Боғлар асосан кичик майдонни 15-20 сотих (камдан-кам ҳолларда 1-1,5 га) майдонни эгаллаб, атрофи девор билан ўралиб, девор тагига, терак, тол ёки тут дарахтлари ўтказилган. Боғнинг марказида ҳовуз, супа бўлиб, у ерга мажнунтол ва қайрағоч экилган. Баъзида шаҳар ташқарисидаги боғларда ёзги айвон қурилган, гуллардан райҳон, хина, гултожихўроз кабилар экилган. Боғнинг ичига беда, полиз экинлари ҳам экиш одат бўлган. Экиладиган дарахтлар жойнинг тупроғи, сув таъминоти ва гидрогеологик ҳолатидан келиб чиқиб танланган.

Боғлардаги дарахтлар орасида ўрик кенг тарқалган, унинг май ойидан августнинг охирига қадар пишадиган навлари экилган. Наманган ва Марғилон уездларида ўрикни қуритиб четга чиқарилган. Шафтоли, тут, бодом, олма, нок, анжир, беҳи, анор, ғайноли, жийда, ёнғоқ, гилос каби мевали дарахтлар водийда жойнинг микроиқлим ва тупроқ-гидрогеологик шароитига қараб, ушбу ландшафт зонасида кенг тарқалган. Ҳар бир мевали дарахтнинг энг яхши ҳосил берадиган, узок ўсадиган ҳудудлари аниқланиб, уларни парваришlashда «ихтисослашган» волостлар шаклланиб борган. Олма Наманган, Косонсой, Олмос, Тўрақўрғон волостларида, ўрик Исфара, Риштон, Чимён, Аввалда, анор Қувада, ёнғоқ Ёрмозор яқинида, гилос Қўқон, нашвоти Андижон, узум Марғилон ҳудудида «ихтисослашган» мевага айланиб борган (Масальский, 1913).

Ушбу ландшафт зонасида жойлашган тарихий-географик районларда узумчилик ҳам ривожланган тармоқлардан биридир. Избоскан-Учқўрғон районида 132, Водил-Чимён районида 179, Чодак-Поп районида 177, /ова-Чуст районида 827, Косон-Чортоқ районида 834 десятина ерларга узум экилганлиги фикримизнинг далилидир (Ю.Ахмадалиев). Наманган ва Қўқон уездларида боғ ва узумзорлар майдонининг катталигини кўриш

мумкин. Чунки, бу уездлар ҳудудининг катта қисми тоғолди текисликлари зонасида жойлашган.

Ушбу ҳудудларда боғдорчилик ва узумчиликдан ташқари, деҳқончилик ҳам қилинган. Айниқса, томорқа ва полиз экинлари кўплаб етиштирилган. Томорқада сабзи, пиёз, бодринг, лавлаги, турп, шолғом, бақлажон, калампир кўп экилган.

Фарғона водийсида кенг тарқалган охириги ландшафт тури ясси текисликлардир. Томорқаларнинг майдони бўйича бу ландшафт тури етакчи ўринда туради. Томорқа ва полиз экинларининг майдони ҳамда бошқа экинлар салмоғи орасида ясси текисликларда шולי ва жўхорининг ҳудудий тарқалиши алоҳида ўрганишга лойиқ. Чунки донли экинларнинг водий тарихий географик районларида тарқалишида гидрологик ҳамда термик зоналар аниқ ҳисобга олинган. Конус ёйилмаларининг қуйи қисми ва конус оралиғи ботикларида асосий экин жўхори бўлса, дарё қайирларида шоллини кўп экилганлиги хос.

Қишлоқ хўжалиги экинларини танлаш, экинлар таркиби, агротехника қоидалари, суғориш тизими бугунги экологик билимлар ойнаси орқали кузатилса, ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишда ҳисобга олиш мумкин бўлган кўплаб ҳолатлар кўзга ташланади.

Фарғона водийсида тоғ, адир, текислик ва дарё водийси ландшафтлари табиий имкониятидан тўла фойдаланишга эришилган. Бунда бир ландшафт тури тўлиқ ишлатилиб, унинг антропоген ландшафтга айланишига йўл қўйилмаган ва ландшафтларнинг тўлиқ ишлатилмаслиги уларнинг хилма-хиллигини таъминлаган. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг яшовчанлиги, биологик барқарорлиги ва маҳсулдорлигининг ортишига сабаб бўлган.

Ер фондидан фойдаланишни ташкил этишда тоғ билан текислик ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, модда ва энергия алмашинуви жараёни яъни «тоғ-текислик» геожуфтлиги тўла ҳисобга олинган. Тоғли ҳудудларнинг сув ва намликни сақлаб, дарё режимини тартибга солишдаги экологик функциясига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур ҳудудларда табиатни

муҳофаза қилиш ва рекреация мақсадлари учун (муқаддас зиёратгоҳлар, кадамжолар кўринишида) ажратилган. Табиатни асрашда диний-ҳуқуқий одатлар ва расм-русумлардан кенг фойдаланилган. Конус ёйилмаларининг юқори қисмида сув тақсимлаш иншоотлари қурилган бўлиб, у ерлар сув хўжалигини юритиш, ариқларга сувни навбатлаб бериш вазифасини бажарувчи қурилмаларни ўрнатиш (сув ер фонди) учун ажратилган. Ер фондининг бундай тақсимлаш ҳудуд табиий имкониятларидан тўла фойдаланишни таъминлаш орқали ишлаб чиқариш харажатлари ортиб кетишининг олдини олган, ердан иқтисодий жиҳатдан унумли фойдаланишни таъминлаган.

Қишлоқ хўжалиги ерлари таркибида ҳудуднинг табиий ландшафт имкониятлари ва маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олувчи, шу билан бирга мавжуд шароитда энг кўп иқтисодий самара берувчи ер турлари танланган. Тоғ ва адирларда камсувталаб данакли боғлар (бодом, тоғ писта, ёнғоқ) бунёд этилганлиги бугунги кунда водийда қўлланиши ҳар томонлама мумкин бўлган тажрибалардан биридир. Чунки, бундай боғлар тоғ ва адирларда кенг тарқалган тупроқ сув эрозиясининг олдини олиб, намлик режимини тартибга солиш билан муҳим экологик функцияни бажаради. Бундан ташқари водийнинг бугунги куни учун хос бўлган, адирликларни насос ёрдамида суғорилиши оқибатида қуйида жойлашган текислик ҳудудларда ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб кетиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни мураккаб гидромелиоратив тадбирларсиз бартараф этиш имконини беради, чунки уларни суғориш ҳозиргига нисбатан уч баробар камаяди. Етилган бир туп бодом дарахти йилига 20 кг. ва ундан кўпроқ бодом беришини, бир кг бодомнинг бугунги бозор нархи 5 минг сўм эканлигини ҳисобга олсак, майдонлари кенгайтирилиши таклиф этилаётган бодомзорлардан олинадиган иқтисодий самарани ҳисоблаш қийин эмас. Ҳар бир ҳудудга тегишли бўлган «иқтисослашган» мевали дарахтлар майдонини кенгайтириш ҳам иқтисодий–экологик жиҳатдан самаралидир.

Экин майдонлари таркиби таҳлил қилинганда, водийда камсувталаб донли экинлар ҳамда мойли экинлар кўпроқ етиштирилганлиги кузатилади. Экин майдонлари таркибида ем хашак экинлари, жумладан, беданинг салмоғи юқори эканлиги бугунги кунда тавсия этилиши мумкин бўлган ҳолатлардан биридир.

Ушбу поғоналарда аҳолининг бандлик масаласи ҳам жой хусусиятларидан келиб чиқиб ҳал қилинди. Тўртинчи поғонада аҳоли тоғ боғдорчилиги, чорвачилик, «муқаддас зиёратгоҳлар»да посбонлик билан машғул бўлган бўлса, учинчи поғонада боғбонлик, мироблик билан, иккинчи ва биринчи поғонада дехқончилик, пиллачилик, хунармандчилик ва савдогарлик билан шуғулланган касб эгалари кўпчилиқни ташкил этган. Аҳолини иш билан таъминлашда бозорларнинг роли ва ўрни алоҳида бўлган.

Ажратилган ҳар бир район ёки поғонада суғориш усуллари танлашни, ерга ишлов бериш, алмашлаб экиш каби агротехник тадбирларни қўллашни такомиллашган кўникма ва малакалар тизими шаклланган. Аҳоли кўрғонларининг жойланиши, зичлиги, миллий таркиби каби кўрсаткичлар ва районлар майдонининг шакли (конфигурацияси) бошқарув тизими ҳам жойнинг табиий имкониятларига биринчи навбатда ер-сув ресурсларининг миқдори ва жойлашишига, маҳаллий аҳолининг улардан фойдаланиш маданиятига боғлиқ ҳолда ташкил этилган.

Фарғона водийсида табиатдан, жумладан, ер ва сувдан фойдаланиш охириги 100 йилдан кўпроқ вақт давомида режали, маълум мақсадни кўзлаб ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойланиши ва ихтисослашувига ҳудуднинг объектив (табиий) қонуниятлари эмас, балки давлатнинг аграр соҳадаги сиёсати кўпроқ таъсир қилди.

Бугунги кунга келиб вазият тубдан ўзгарди, бошқа соҳаларда бўлгани каби ер ресурсларидан фойдаланишда ҳам халқимизнинг кўп йиллик маданиятини илмий асосда ўрганиш, «оддий» (примитив) бўлиб кўринган малака ва кўникмаларни қайта баҳолаш вақти келди.

3.2. Фарғона водийсининг микроиклим зоналари ва уларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятига таъсири.

Фарғона водийси иқлимнинг ташкил топшига ҳудуднинг геоморфологик тузилиши катта таъсир кўрсатган. Рельеф хусусиятлари ва ер юзасининг турли баландликда жойлашганлиги водийнинг айрим районлари ўртасида иқлимдаги фарқларни вужудга келтирган. Бу айниқса, иссиқлик ва намликнинг тарқалишида яққол намоён бўлади. Бундай фарқни текислик ва тоғлик ўртасида ҳам кўриш мумкин.

Фарғона водийси континентал иқлимга эга. Бу унинг ўзига хос географик ўрнига боғлиқ. У материк ичкарасида жойлашганлигидан ташқари, ҳамма томонидан тоғ тизмалари билан ўралганлиги ҳам континентал иқлимнинг шаклланишига сабб бўлган.

Водийнинг ғарбий қисми очик бўлганлиги, бу қисмидаги тоғ тизмалари унча баланд бўлмаганлиги сабабли, унга арктик совуқ ҳаво массалари кириб кела олади. Иқлимнинг шаклланишида ғарбий ҳаво оқимларининг аҳамияти катта.

Водий ҳудудида йилнинг ўртача ҳаво ҳарорати ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Масалан, Қўқонда йилнинг ўртача ҳарорати $13,5^{\circ}$ бўлса, шарқда жойлашган Хонобод туманида $11,5^{\circ}$ га тенг. Шунингдек, водийнинг марказий қисмидан тоғ томон кўтаришган сари йилнинг ўртача ҳарорати пасайиб, Шоҳимардонда $10,0^{\circ}$ ни ташкил этади.

Фарғона водийсида ёғингарчиликнинг ҳудудлар ва мавсумлар бўйича тақсимланиши ҳам ўзига хос бўлиб, ёғинлар миқдори ғарбдан шарққа томон ортади. Масалан, ёғин миқдори Қўқонда 98мм ни ташкил қилса, Андижонда 226мм га етади. Бунинг асосий сабаби водий рельефининг ғарбдан шарққа томон кўтарилиб боришидир. Йиллик ёғиннинг 35%и декабрь-феврал ойларида, қолган қисми эса баҳор ва куз ойларида ёғади.

Фарғона водийси иқлими учун тез-тез шамолларнинг бўлиб туриши характерлидир. Кучли шамоллар асосан октябрь-март ойларида эсади.

Шамол айниқса, қишда водийнинг совиб кетиши натижасида унинг шарқида антициклон, ғарбда Мирзачўлда эса циклон турганда кучаяди. Бу вақтда шамол Фарғонадан Мирзачўлга қараб (Бекобод шамоли) секундига 15-40м тезликда эсиши кузатилади.

Баҳор ва куз ойларида эса Мирзачўл томонидан Фарғона томонга (Қўқон шамоли) эсган шамол тезлиги секундига 25м га етади.

Иқлимнинг юқоридаги ўзига хусусиятларидан келиб чиқиб, Фарғона водийсида 4 та микроиқлим зонаси, яъни Қўқон, Фарғона, Наманган ва Андижон микроиқлим зоналари ажратилган. Бу районларда термик ва намлик ресурслари бир - биридан у қадар кўп фарқланмайди. Бироқ, ушбу ҳолат ҳам қишлоқ хўжалик экинларини танлашда ҳисобга олинади. Юқоридаги бобларда айтиб ўтилганидек, водийнинг шарқий ҳудудларига томон лалмикор деҳқончилик қилинадиган майдонлар ортиб борган. Бу вазият тасодифий бўлмасдан намлик коэффициентига мос бўлган. Масалан, Қўқон ва Наманган тарихий-географик вилоятига нисбатан Андижон, Марғилон вилоятида деҳқончилик қилинадиган ҳудудлар бир неча марта кўп бўлган. Жойнинг агроиқлимий хусусиятларини бу қадар аниқ ҳисобга олинишини экин турлари танланишида ҳам кузатиш мумкин. XIX аср охири XX аср бошларида Андижон тарихий-географик вилояти ҳудудида камроқ намликда ҳам ўсиб, ҳосил бериши мумкин бўлган тариқ ва қўноқнинг майдони бошқа ҳудудлардан анча юқори бўлган.

Бундан ташқари, баландлик минтақаларида ҳам микроиқлимнинг ўзгариши ҳисобга олинган. Олмос, Ғова, Сўх, Новқат, Арслонбоб каби ҳудудларда ёз ойларининг қисқа бўлишидан келиб чиқиб, шунга мос экинлар экилган. Водийдаги 4 та агроиқлим районларида деҳқончилик усулини, экин турларини белгилашдаги ўзига хосликни аниқлаш орқали ҳар бир ҳудуд учун микроиқлим шароитига мос бўлган сердаромад экинлар турини топиш мумкин (Аҳмададаиев, 2007). Чунончи, Қўқон зонасида экинларни танлашда иссиқлик ва намликдан ташқари шамолнинг йўналиши ва кучи ҳам ҳисобга олинган. Шамол йўлини тўсиш мақсадида ташкил

этилган «ихота» боғларда жийда ва тут дарахтлари экилган: улар шамоллар йўлини тўсиш билан бирга иқтисодий самара ҳам берган.

Донли экинларни ҳудудий жойлаштиришда ҳам водийнинг микроиқлим хусусиятларини ҳисобга олинганлигини кўриш мумкин. Фарғона водийсида экиладиган донли экин турлари орасида энг кўп сув талаб қиладигани шоли ҳисобланган. Агар экинлар таркибини таҳлил қилсак, сув билан яхши таъминланган Андижон тарихий-географик вилояти энг шоликор ҳудуд эканлигига гувоҳ бўламиз. Шоли майдони бу ҳудудларда 60 фоизни, Марғилонда эса атиги 5 фоизни ташкил этади.

Шоли етиштиришда сувнинг кўплиги билан бирга жойнинг гидрогеологик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинган. Энг юқори ҳосил берадиган шоликор районларда (Чўнғара, Бўтақора, Ўзган) ер ёриқлари ўтганлиги ёки дарёларнинг шу қисмида сувнинг нисбатан илиқроқ бўлиши кузатилади. Шолини бир неча йил давомида узлуксиз пастқам ерларга экиш орқали шу ерларнинг шўрини ювишга ҳам эришилган. Баландлик жойларда асосан алмашлаб экиш ёки иккинчи экин сифатида ҳосилдан бўшаган ерларга ҳам шоли экилади.

Донли экиндан жўхори водийда энг кўп тарқалган бўлиб, у шўрхок ерларда ҳам яхши ҳосил беради. Нисбатан камроқ суғоришни талаб этадиган бу экиннинг водий бўйича 45 фоизи Қўқон тарихий-географик вилоятига тўғри келади. Бу ерда ҳосилдорлик ҳар десятинадан парвариш қилинишига қараб 150-180 пудга етиши мумкин.


Фарғона водийсида ердан фойдаланишнинг тарихан шаклланган турларини бугунги фан ютуқлари эътиборга олинган ҳолда қайта ўрганиб, баҳолаб кўриш, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўрганилаётган ҳудудни геоморфологик, иқлимий, гидрологик, гидрогеологик ва тупроқ кўрсаткичларини ўрганиб 4 та ландшафт турларини ажратиш мумкин.

Ушбу ландшафтлар бир хил агроэкологик шароитга эга бўлган ҳамда ердан фойдаланишда ўхшаш усуллар, кўникма, малакалар қўлланадиган бўлаклар,

яъни «ер турлари» аниқланган (Ю.Аҳмадалиев). Бунинг учун текислик ландшафтларида рельеф шакли, жойлашган ўрни, она жинсларнинг механик таркиби, табиий дренаж ҳолати, тупроқ турчалари ҳисобга олинади. Тоғ олди ландшафтларида юқоридагиларга қўшимча равишда жойнинг экспозицияси, ёнбағирларнинг тиклиги ва парчаланганлиги каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади. Юқоридаги мезонлар бўйича водийда 14 та «ер тури» ажратилади, улардан 10 таси деҳқончиликда, қолгани чорвачиликда ишлатилади.

**8-схема. Фарғона водийси ерларини ландшафт
асосида турларга ажратиш (Ю.Аҳмадалиев)**



3.3 Табиатни муҳофаза қилишда муқаддас зиёратгоҳларни танлаш ва жойлаштиришнинг этнологик асослари.

Муқаддас зиёратгоҳлар Ўрта Осиёда мазорлар номи билан аталиб, арабча “**сиғиниладиган муқаддас жой**”, “**зиёрат жойи**” маъносини англатади.

Статистик маълумотларга кўра, минтақадаги зиёратгоҳларнинг умумий сони ўн мингдан ортиқ. 1998-2006 йиллар мобайнида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, биргина Фарғона водийсининг ўзида **мингдан ортиқ** муқаддас зиёратгоҳ бор. Ана шу зиёратгоҳларнинг **254таси** Фарғона вилоятида жойлашган бўлиб, шундан, 21таси Сўх зонасида, 57 таси Фарғона, 71 таси Қўқон, 91 таси Марғилон шаҳарлари ва шаҳар атрофларида жойлашган.

Зиёратгоҳлар билан боғлиқ илмий изохга муҳтож кўпгина муаммолар мавжуд. Бундай муаммолар қаторига биринчи навбатда муқаддас жойларни зиёрат қилиш анъанасининг яшовчанлик хусусияти ҳолатини ва сабабларини ўрганиш зарурлигини киритиш мумкин. Зиёратгоҳларни ўрганиш уларнинг у ёки бу ҳудуддаги муқаддас жойларни аниқ хусусиятини белгилаш ва уларга сиғинишнинг асл сабабларини аниқлаш имконини беради.

Фарғона водийси ҳудудидаги айрим зиёратгоҳларнинг хусусида турли тўплам, газета ва журналларда, нашр этилган адабиётларда фақат дастлабки маълумотлар учрайди. Гарчи зиёратгоҳларга этнологлар томонидан энг долзарб тадқиқот объекти сифатида қаралган бўлсада, бугунга қадар улар ўзига хос ижтимоий феномен тарзида этнологик жиҳатдан махсустадқиқ этилмаган. Ушбу мавзу этнологлар томонидан тасодифан унутиб қолдирилмаган бўлиб, ўша даврда муқаддас зиёратгоҳларни ўрганиш ва оммавийлаштиришга хизмат қилувчи ҳар қандай тадқиқотларни олиб бориш қатъиян таъқиқланар эди. Бу мавзудаги тадқиқотларнинг аксарият қисми мафкуравий ва астетик характер касб этган.

Фарғона водийсида мазорлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар Х асрдан бошлаб мусулмон тарихчиларининг асарларида қайд этилади. Водий ҳудудларида ўрта асрларга оид мазорлар дерли сақланмаган. Ҳозирда мавжуд муқаддас зиёратгоҳларнинг асосий қисми XVIII-XIX асрларда барпо этилган.

Муқаддас зиёратгоҳларни жойлашган ўрнига кўра қуйидаги типларга ажратиш мумкин:


1. Тоғли ҳудудларда жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар.
2. Текислик ҳудудларда жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар.
3. Сув ҳавзалари ҳудудларида жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар.
4. Алоҳида ҳудудларда жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар.

Фарғона водийси мазорлари ҳақидаги ноёб маълумотларни Қўқон хонлиги даврида бу ерга келган рус сайёҳ ва олимларининг кундаликларида ҳам учратиш мумкин. Хусусан рус олимларидан Ф.Назаров, Ч.Валихонов, А.П.Федченко, А.П.Хорошхин, Шербина-Крамаренко, В.И.Кушелевский, В.П.Наливкин, А.Ф.Миддендорф, М.Рождественский, В.А.Парфентьев, И.П.Коритов асарларида мазорлар ҳақида тўхталиб ўтилган.

Фарғона водийсидаги зиёратгоҳлар хусусида этнограф А.К.Писарчикнинг ёзиб қолдирган маълумотлари, айниқса, диққатга сазовор. У ўзининг “Фарғона шаҳарларининг топографиясига доир баъзи бир маълумотлар” номли мақоласида Марғилон шаҳридаги Подшоҳ Искандар, Кўк мазор, Андижон вилояти ҳудудида жойлашган Қутайба ибн Муслим, Намангандаги Хўжам мазори ҳақида муҳим маълумотларни келтириб ўтган.

Фарғона водийсида яшовчи деҳқонлар ҳаётида муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашлар ва урф-одатларнинг аҳамияти тўғрисида этнограф Р.Я.Рассудованинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ушбу мавзуда муаллиф биринчи марта ўз мақоласида суғориладиган деҳқончилик ерларида сув ҳавзаларининг ҳомий культлари ва аҳолининг уларга нисбатан муносабати ҳақида таҳлилий ёндошган.

9- схема. Муқаддас зиёратгоҳларнинг жойлашган ўрнига кўра типларга ажратилиши.



Тадқиқотчи В.Л.Огудин ўз ишларида экологияга оид муаммоларни бартараф этишда муқаддас зиёратгоҳларнинг ўзга хос функцияларига эътиборини қаратган. Унинг бу борадаги изланишлари мазорларни ўрганишда янги бир йўналиш эканлигини кўрсатади.


В.Л.Огудин ўзининг “Страна Фергана (2002)” асарида Фарғона водийсидаги этносларнинг шаклланишида ва уларнинг турмуш тарзида муқаддас зиёратгоҳларнинг ўзига хос роли ва уни водий халқларининг **этноэкологик маданиятига** кўрсатган таъсири хусусида тўхталиб ўтади.

Фарғона водийси мазорларни ўрганишда шарқшунос олим А.Мўминовнинг тадқиқотлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, А.Мўминовнинг “Туркистоннинг исломлаштирилишида Қўқон ривоятларини

ўрни” мақоласида Фарғона вилоятидаги мазорларнинг пайдо бўлиш сабалари очиб берилган.

Муқаддас жойларни тавсиф ва тасниф қилишда ундаги мавжуд сакрал объектлар муҳим аҳамият касб этади. Мазорлар кўп ҳолларда сув ҳавзалари билан боғлиқ бўлади. Масалан, Саткак ота, Чакка томар, Чашмаи Ҳазрат Али, Йигит пирим, Арсиф ота, Совур булоқ ва бошқалар сув объектлари яқинида барпо этилган.

10-схема. Муқаддас зиёратгоҳларни сакрал объектларга кўра таснифланиши.



Юқорида зикр этилган **Чашмаи Ҳазрат Али ва Йигит пирим** булоқларининг сувлари шифобахш хусусиятга эга деб қаралган ва турли касалликларни даволашда фойдаланилган. Бугунги кунда уларнинг шифобахш хусусиятлари илмий тиббиётда ҳам исботланган. Қадимики диний эътиқодларга кўра, оламнинг яралишидаги асосий муқаддас унсур (компонент)лар – ер, сув, ҳаво ва олов ҳисобланиб, сув ҳаётнинг манбаи сифатида эъзозлаб келинган. Хусусан, “Авесто”да сув ва дарёлар илоҳи бўлган Ардвиссура-Анахитога махсус гимн бағишланган. Муқаддас булоқлар поклик ва эзгулик рамзи саналган. Булоқлардан сув ичиш ва у ердаги дарахтларга латта парчаси, яъни “аълам” боғлаш муқаддас зиёратгоҳлардаги асосий урф-одатлардан бири бўлган. Ушбу одатни ҳозир ҳам айрим зиёратгоҳларда учратиш мумкин. Эрамизнинг VII-VIII асрларида ўлкамизга ислом дини кириб келгач, аввалги сув култи билан боғлиқ қарашлар ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотиб, иримлар кўринишини олди.

Фарғона зиёратгоҳлари ичида сув ҳавзаларини эъзозлашдан кейинги ўринда **дарахтлар** билан боғлиқ қарашлар муҳим ўрин тутди. Шу кунга қадар фарғоналиклар орасида зиёратгоҳлардаги дарахтлар ва буталарни кесиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги қарашлар сақланиб қолган.

Муқаддас тоғлар ҳам зиёратгоҳлар орасида ўзига хос алоҳида ўрин эгаллайди. Тоғли ҳудудлар табиатини сақлашда аҳоли диний-ҳуқуқий усуллардан ҳам фойдаланган. Фарғона водийсида яшовчи халқлар тарихида муқаддас тоғлар билан боғлиқ қарашлар асрлар давомида шаклланиб келган. Қадимда тоғлар худолар макони ҳисобланган. Ислом дини даврида эса тоғлар Пайғамбар ва унинг асҳоблари учун яширинадиган паноҳ вазифасини ўтаб келган.

Қоялар, тошлар ўзининг ғайритабиий кўриниши билан кишиларда турли тасаввурларни келтириб чиқарган. Шунинг учун одамлар уларни муқаддаслаштириб, эъзозлаб келганлар, яъни одамлар тошларга ўзлари ва аجدодларини ҳимоя қилувчи муқаддас объект сифатида эътиқод қилганлар.

Фарғона водийсида тошлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Масалан, Тошкелин (Риштон тумани), Белтош, Юрактош (Бувайда тумани), Тошқиз, Тешиктош (Фарғона тумани), Тешиктош ёки Тешик оғиз (Марғилон шаҳри) ва бошқалар.

Ўрта Осиё ҳудудидаги аксарит ғорлар ҳам муқаддас саналиб, зиёратгоҳ объекти вазифасини бажариб келган. Фарғона водийси аҳолиси орасида ғормозорлар тўғрисида ривоятлар жуда кўп учрайди. Айрим ривоятларда мусулмон авлиёларининг ғорларда ибодат қилиб, ғойиб бўлганликларини нақл қилинади. Масалан, Бешариқ туманида жойлашган Чилмахрам ота ғори қирқ авлиё (чилтонлар)нинг макони ҳисобланган.

Одатда, Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган ҳар қандай муқаддас жойларда мусулмон авлиёсининг қабри ёки қадамжойи билан боғлиқ мазорлар бўлади. Муқаддас жойлар урф-одат, афсона ва ривоятларни атрофида мужассам этган миллий қадриятлар феномени сифатида аҳолининг турмуш тарзида муҳим ўрин тутди.

Фарғона водийсидаги муқаддас зиёратгоҳларда йиллик тақвимий ўзгаришлар билан боғлиқ маросимлар асосан баҳор ва ёз ойларида ўтказилган бўлиб, улар жумласига “Наврўз”, “Давришона”, “Сафар қочди”, “Гули армуғон”, “Ҳосил байрами” сингари байрам ва маросимларни киритиш мумкин.

Маълумки, табиатнинг кўкламги уйғониши ҳақидаги мифологик қарашлар ўсимликларни тимсоллаштиришга асосланган аграр культлар ва магик характердаги рамзий ҳаракатлар тизимидан иборат ритуалларнинг юзага келишига замин ҳозирлаган. Табиатнинг кўкламги уйғониши билан боғлиқ маросимлардан бири Дўсти Худо мазорида ўтказиладиган “Гулиармуғон” маросимидир.

Мазорда гулиармуғон деб аталувчи гул баҳорнинг эрта ёки кеч келишига қараб, март ёки апрель ойларининг бошларида пушти рангда очилади. Бу маросимнинг генезисида Ислом динидан олдинги табиатнинг уйғониши билан боғлиқ қарашлар сақланиб қолган.

Хулоса килиб айтганда, муқаддас зиёратгоҳлар кишиларнинг ижтимоий ва маданий турмушида тутган ўрнидан ташқари, жойларнинг топографиясини ва ҳудуднинг диний-ментал ҳаритасини яратадиган омилларни келтириб чиқарувчи мураккаб кўринишни ўзида акс эттиради. Қадимдан мазорлар муқаддас жойлар сифатида эъзозлаб келинган ва одатда, уларнинг кўп қисми ҳудуднинг иқтисодий ривожланган марказларида жойлашган. Шу сабадан улар суғориш иншоотлари ва сув ҳавзалари ҳамда савдо йўлларини кесиб ўтувчи чорраҳалар, тоғ доволари сингари жойлар билан боғлиқ бўлган.

Фарғона водийси аҳолисининг муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ тушунчаларида булоқлар, дарахт ва буталар, тоғ ва тошларни муқаддаслаштириш сингари анимизм, тотемизм, шомонийлик, зардўштийлик билан боғлиқ табиатни илоҳийлаштириш каби қадимги аجدодлар қарашлари сақланиб қолган.

Муқаддас зиёратгоҳлар турли тарихий-этнографик минтақалар тарихини ўрганишда, шунингдек, аجدодларимизнинг табиатдан фойдаланиш маданиятини ўрганишда муҳим тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Мазорларни илмий жиҳатдан ўрганиш этноэкологик муаммоларни ижобий ҳал этишда, шу билан бирга, кишиларнинг экология тўғрисидаги билим ва тушунчаларини мустаҳкамлашда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Сомонийлар даврида (IX-X аср) Фарғона водийси дарёларининг бошланиш жойларида муқаддас зиёратгоҳлар пайдо бўлган. Рассудова Р.Я. водийда 7 та қадамжойни алоҳида ажратиб кўрсатади (1985). Водийдаги бундай ўзига хос «кўрикхона» ларда дарахт кесиш, ҳайвонот дунёсига зарар етказиш, айрим жойларда ерларни ҳайдаш таъқиқланган. Аҳолининг анчагина қисми дарёнинг қуйи қисмидаги деҳқончилик билан шуғулланувчилар томонидан олиб келинган хайр-эҳсон, назр-ниёз ҳисобига яшаган ва табиатга ортиқча аралашишга эҳтиёж сезмаган. Водийнинг атрофидаги дарё ҳавзаларида 40 дан ортиқ «муқаддас зиёратгоҳ»лар борлигини кўриш мумкин. Ушбу поғонадаги ўзбек, тожик, қирғиз

миллатига мансуб аҳоли чорвачилик, лалмикор деҳқончилик, тоғ ўрмонларида боғбонлик, муқаддас зиёратгоҳларда посбонлик қилишдан ташқари яна бир вазифани бажарганлар. Дарёларнинг тоғ ва адирликларидан текисликка чиқиш жойидаги қишлоқлар аҳолиси дарё сувини тартибга солиш ва сел хавфидан дарёнинг қуйи қисмидаги аҳолини хабардор қилиб туриш вазифасини ҳам бажарган (Ершов, 1955). Бундай қишлоқлар топонимикаси ўрганилганда, уларга кўпроқ Қалъа, Қалъача, Ҳушёр каби номлар берилганлигини таъкидлаш мумкин.

ХУЛОСА.

1. XX аср арафасида ўзбек халқи таркибида учта йирик этник гуруҳ, яъни субэтнос мавжуд бўлиб, улар сартлар, турклар ва дашти қипчоқ ўзбеклари деб номланган.
2. Халқимизнинг ердан, сувдан ва табиатнинг бошқа компонентларидан фойдаланиш борасидаги табиий ва ижтимоий муҳит билан уйғун риожданишга асосланган билим, кўникма, малака ва одатларини сақлаб қолиш ҳамда келгуси авлодларга етказиш зарур. Бундай ҳаракатни экологик муаммоларни олдини олишга қаратилган дастлабки қадам деб билиш мумкин.
3. Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида табиий географик шароитнинг турлича бўлишлиги, хилма-хил сунъий суғориш усулларининг вужудга келишида муҳим омил бўлган. Аجدодларимиз сой оқаваси, ҳавза ва ҳовузларда сув тўплаш, чиғириқлар орқали чуқурдан сув чиқариш, канал ва ариқлар қазиш йўли билан ўз яшаб турган ҳудудларига сув келтириш усулларини яратганлар.
4. Фарғона водийсида ердан фойдаланадиган ҳудудларнинг геоморфологик ва гидрогеологик ҳолатига кўра 4 та поғонага ажратиш мумкин. Водий аҳолиси ҳар бир поғонада ердан фойдаланишда жойнинг табиий имкониятларидан максимал фойдаланишга, табиий жараёнларга қарши борилмайдиган, кўпроқ тупроқ-экологик ҳолатининг салбий ўзгаришига йўл қўймайдиган ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимини шакллантирган.
5. Фарғона водийсида иқлимнинг ўзига хусусиятларидан келиб чиқиб, 4 та микроиқлим зонаси, яъни Қўқон, Фарғона, Наманган ва Андижон микроиқлим зоналари ажратилган. Бу районларда термик ва намлик ресурслари бир - биридан у қадар кўп фарқланмайди. Бироқ, ушбу ҳолат ҳам қишлоқ хўжалик экинларини танлашда ҳисобга олинган.
6. Муқаддас зиёратгоҳларни жойлашган ўрнига кўра, қуйидаги типларга ажратиш мумкин, яъни тоғли ҳудудларда жойлашган муқаддас

зиёратгоҳлар, текислик ҳудудларда жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар, сув ҳавзалари ҳудудларида жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар, алоҳида ҳудудларда жойлашган муқаддас зиёратгоҳлар.

7. Водийнинг атрофидаги дарё ҳавзаларида 40 дан ортиқ муқаддас зиёратгоҳлар борлигини кўриш мумкин. Бундай зиёратгоҳлар дарё сув режимини тартибга солиш мақсадида барпо этилган.
8. Муқаддас зиёратгоҳларни илмий жиҳатдан ўрганиш **этноэкологик** муаммоларни ижобий ҳал этишда, шу билан бирга, кишиларнинг экология тўғрисидаги билим ва тушунчаларини мустаҳкамлашда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”. 2008.- 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида – хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997. – 326 б.
3. Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). - Наманган: НамДУ 1995. 148 б.
4. Абдулахатов Н. Фарғона зиёратгоҳлари // “Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.2004. 54-б.
5. Абу Али ибн Сино Тиббий рисоалар. - Т.: “Фан”, 1987.- 352б.
6. Абдуллаев М. ва бошқалар. Маданиятшунослик асослари. Т., 2006.
7. Асанов Г. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. Т.: “Ўқитувчи”, 1990.- 248 б.
8. Аҳмадалиев Ю. Этноэкологиянинг долзарб масалалари. Фарғона, 1997.- 34б.
9. Аҳмадалиев Ю. Латипов Х. Ер ресурсларини ўрганишга тарихий – географик ёндашувнинг зарурати. // Ўзбектстон география жамияти ахбороти. -Тошкент, 2000. 21-жилд.–Б. 76-78.
10. Аҳмадалиев Ю.И. Ердан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишнинг социал-экологик хусусиятлари.// Ўзбекитстон география жамияти ахбороти. -Тошкент, 2003. -23-жилд.–Б. 58-59 .
11. Аҳмадалиев Ю.И. Фарғона водийси ерларининг тупроқ-экологик ҳолатини баҳолаш. // Ўзбектстон география жамияти ахбороти.-Тошкент, 2005. - 26-жилд. –Б. 16-20.
12. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш

- (Фарғона водийси мисолида). География фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация- Т.: 2007. – 325 б.
13. Бабушкин Л.Н., Когай И.А., Закиров Ш.С. Агроклиматические условия сельского хозяйства Узбекистана. –Т.: 1985. -160 с.
 14. Гулметов Э. ва бошқалар Маданиятшунослик. Т.: 2000.- 180б.
 15. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси -Т.: “Ўқитувчи”, 1994.-320б.
 16. Жабборов И. Ўзбеклар - Т.: “Шарқ”, 2008.- 240б.
 17. Огудин В.Л. Страна Фергана. –М.: 2002.- 178с.
 18. Солиев А., Маҳмадалиев Р. Иқтисодий география асослари: /қўлланма - Т.: Ўзбекистон, 1996. -70 б.
 19. Солиев А. Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари –Т.: «Зиё» нашрети, 1999.-181 б.
 20. Хомидий Ҳ. Авесто файзлари. - Т.: 2001.- 96б.
 21. Хомидий Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. - Т.: “Шарқ”, 1999.- 352б.
 22. Қаямов А., Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси ва иқтисодиёти. - Андижон, 2009. – 176 б.

Интернет сайтлари.

1. <http://book.inf.uz>
2. <http://www.twirpx.com/files/common/geography/dictionaries/>
3. <http://www.twirpx.com/files/common/geography/refs/>
4. <http://www.twirpx.com/files/common/geography/course/>
5. http://www.dissercat.com/catalog/istoricheskie_nauki/etnologiya/
6. [http://www.dissercat.com/news/rss.](http://www.dissercat.com/news/rss)

**Фарғона давлат университети Табиёт факультети география йўналиши
431-гурух битирувчиси Турсунова Одинахон Рустамжон қизинининг
“Фарғона водийсидаги этносларнинг табиатдан фойдаланиш
маданиятини шаклланишида географик омилларнинг роли”
мавзуидаги битирув-малакавий ишига илмий раҳбар**

Хулосаси

Талаба Турсунова Одинахоннинг битирув-малакавий иши этносларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятини шаклланишида географик омилларнинг ролини ўрганишга бағишланади. Ўзбек халқининг сунъий суғоришга асосланган кўп қиррали қишлоқ хўжалиги асрлар оша тўпланган **анъанавий билим, тажриба ва малакаларга** таянади. Ажододларимиз деҳқончилик соҳасида бошқа Ўрта Осиёдаги халқлар сингари қадимги авлодлардан мерос бўлиб ўтган суғорма ва лалмикор деҳқончилиқни, мураккаб суғориш иншоотлари ва тизимлари қуришни, табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, ерларнинг ўзига хос суғориш усуллари, агротехника тадбирларини яхши билганлар. Мазкур ишда халқимизнинг ердан, сувдан ва табиатнинг бошқа компонентларидан фойдаланиш бўйича минг йиллар давомида шаклланган билим, кўникма ва малкалари атрофлича ёритиб берилган. Мазкур битирув ишини ёзишда талаба мазуга доир адабиётлар, илмий журналларда эълон қилинган мақолалар, диссертация ишлари ва интернет маълумотлари таҳлилидан кенг кўламда фойдаланган. Жаҳон ҳамжамиятининг 1992 йил Рио конференциясида ҳам «XXI аср кун тартиби» да ишлаб чиқилган тавсия ва мезонларда туб жой аҳолиси фойдаланадиган анъанавий билимлар ва қадриятлар, ресурслардан фойдаланиш усуллари алоҳида эътироф этилган.

Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Ҳажми 75 бетдан иборат. Ишнинг мазмунини бойитиш мақсадида 10 та схема ва жадваллардан фойдаланилган. Ишда илова қилинган жадвал ва схемаларни матн билан мутаносиблиги мавжуд.

Талаба Турсунова Одинахоннинг “Фарғона водийсидаги этносларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятини шаклланишида географик омилларнинг роли” мавзуидаги битирув-малакавий иши БМИ талабларига тўла жавоб беради. Ишни тугалланган деб ҳисоблайман ва ҳимояга тавсия этаман.

Илмий раҳбар:

**ФарДУ география кафедраси
ўқитувчиси Х.Джурабоева**

Фарғона давлат университети Табиёт факультети география йўналиши
431-гурух битирувчиси Турсунова Одинахон Рустамжон қизинининг
“Фарғона водийсидаги этносларнинг табиатдан фойдаланиш
маданиятини шаклланишида географик омилларнинг роли”
мавзуидаги битирув-малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Талаба Турсунова Одинахон Рустамжон қизининг битирув-малакавий ишида Фарғона водийси (Ўзбекистон қисми) даги этносларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятини шаклланиши ва мазкур маданиятни илмий ўрганиш асосида ҳаётга тадбиқ этиш йўллари ўрганилган.

Битирув малакавий иш кириш, уч боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида БМИ мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, объекти ва предмети, мақсад ва вазифалари ҳамда амалий аҳамияти тушунтириб ўтилган.

Ишнинг биринчи боби деб номланиб, унда этнос ва субэтнос ҳақида тушунча, ўзбек этносининг шаклланиш босқичлари, ўзбек этноси таркибидаги субэтнослар баён этилган.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи боби “Аҳолининг табиатдан фойдаланиш маданияти географиянинг ўрганиш объекти сифатида” деб номланиб, унда Фарғона водийсидаги этносларнинг ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш маданиятининг географик жиҳатлари ўрганилган.

Битирув малакавий ишнинг учинчи боби “Этнослар иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўрганиш объекти сифатида” деб номланган. Ушбу бобда Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни шаклланишида геоморфологик омилларнинг роли, Фарғона водийсининг микроиклим зоналари ва уларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятига таъсири ҳамда табиатни муҳофаза қилишда муқаддас зиёратгоҳларни танлаш ва жойлаштиришнинг этнологик асослари ёритилган.

БМИнинг хулоса қисмида Фарғона водийсидаги этносларни табиатдан фойдаланиш маданиятининг шаклланишида географик омилларнинг ҳудудий жихатларини ўрганиш бўйича амалий тавсиялар ва хулосалар берилган.

Турсунова Одинахон Рустамжон қизинининг “Фарғона водийсидаги этносларнинг табиатдан фойдаланиш маданиятини шаклланишида географик омилларнинг роли” мавзуидаги битирув-малакавий иши тугалланган тадқиқот иши бўлиб, 75 бет ҳажмда ёзилган. Ишда мавзу мазмунини тўлдириш учун матнга схема ва жадваллар илова қилинган. Ишни ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Такризчи:

Ю.Аҳмадалиев, КМО ва ҚТ факультети
декани, география фанлари доктори

